



HURRIYAT

O'zingni angla!

Mustaqil gazeta

2017-yil 1-noyabr, chorshanba

* № 44 (1055) *

1996-yil dekabr dan chiqqan boshlagan *

Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.hurriyat.uz

ЎРТАДА БЕГОНА ЙЎК

Энди саволни мен берай. Мана сиз Қирғизистонда туғилгансиз, мен Қозоғистонда. Иккаламиз ҳам ота юртимизга имкон қадар бориб тураемиз. Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга ташрифидан сўнг борди-келдилар осонлашди, чегаралар очилди. Борганингизда юртдошларингиз сиздан нима сўрашади?

⇒ 2-3-бет

АЙТИШГА ТИЛ БОРМАЙДИ, АММО...

Яқинда шундай бўлди. Мен ҳурмат қиладиган, жамиятда ўз ўрнига эга бўлган бир опахонни тасодифан, маст ҳолатда кўриб қолдим. У жамоат жойда бир ўспирин билан чунонам сўкишар, атрофдагилар уларни кузатиб турар эдики, кошки унинг оғзидан чиқаётган сўзларни эшитмасам, кошки унинг шу ҳолатини кўрмасам...

⇒ 6-бет

БИР ЛАҲЗАЛИК ДИЙДОР ХОТИРАСИ

Бир куни Брежнев Марказқўмнинг қишлоқ хўжалик масалалари бўйича котибидан: — Рашидов қандай сувлар ҳақида гапираёпти? — деб сўраб қолди. — Сибирдаги Обь, Иртиш дарёларининг қуйи оқимидаги сувларни сўраёпти, — деб жавоб берди котиб.

⇒ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг таклифига биноан 2017 йил 25-26 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Туркияда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 октябрь куни мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси Ҳукумати раисининг ўринбосари Дмитрий Рогозинни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 27 октябрь куни хусусийлаштирилган давлат мулки негизда хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатини янги сифат даражасига кўтариш, хусусийлаштирилган тадбиркорлик субъектларини самарали қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 октябрь куни пойтахтимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида Tashkent City маркази лойиҳаси ҳамда Тошкент шаҳрининг Кичик ҳалқа йўли ва Фарғона йўли кўчалари кесишган жойда қурилган йўл ўтказгични бориб кўрди. Шунингдек, Яшнобод туманида қуриб битказилган «Ашхобод сайлгоҳи»ни ва ер усти ҳалқа метро линияси қурилиши билан танишди.



Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.



«INFOLIB — 2017» VI МИЛЛИЙ АХБОРОТ-КУТУБХОНА ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўлкасидаги тадбирда пойтахтимиз, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги ахборот-кутубхона муассасаларидан келган мутахассислар, китобхонлар қатнашмоқда. Ҳафталикнинг илк тадбирида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди. Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад аҳолининг ахборот маданиятини юқори даражага кўтариш, муталоага бўлган эътиборини ошириш, ахборот-кутубхона фойдаланувчиларига интернет орқали хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш ва бу жаъда кутубхоналарнинг ижтимоий-маданий ролини оширишдан иборатдир. Ҳафталикнинг илк тадбирида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Л.Тангриев, вилоятлик мутахассислари билан мулоқот қилди. — Мулоқот доирасида соҳада мавжуд муаммоларни аниқлаш ва истиқболдаги ишларни белгилаб олиш учун ёзма сўровнома ҳам ўтказилди, — дейди Жиззах вилояти ахборот-ресурс маркази раҳ-

бар Р.Одилова. — Шу билан бирга бугунги кунда ҳудудлардаги ахборот-кутубхона муассасалари китоб фондиди мунтазам бойитиб бориш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мутахассислар ўқув-малакавий салоҳиятини ошириш, соҳа ходимларини моддий рағбатлантиришдек долзарб масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилди. Берган таклифларимиз мутасадди ташкилотлар томонидан ахборот-кутубхона фаолиятини такомиллаштириш бўйича 2018 йилда бажариладиган ишлар режасига киритилиши маълум қилинди.

2-бет

ЖУРНАЛИСТ СЎЗИ — ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИДА



2017 йилнинг учинчи чорагида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган таҳлилий-танқидий материаллар ҳақида

Бугунги кунда юртимиздаги улкан ижтимоий-сиёсий жараёнлар, бекиёс тарихий аҳамиятга молик ўзгаришлар мамлакатимиз босма оммавий ахборот воситалари, телевидение кўрсатувлари, радио тўлқинлари, интернет тизими орқали атрофлича ёритиб келинмоқда. Айни пайтда ислохотларнинг йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммо ва камчиликларни дадил кўтариб чиқиш, уларни қурак, кўр-кўрона танқид қилмасдан, бундай нуқсонларнинг олдини олиш бўйича амалий фикрлар бериш, ҳар қандай муаммонинг сабабларини ўрганиш, мавзуга ҳолис ва ҳаққоний ёндашиш борасида ҳам медиа воситаларимизда янги руҳ сезилаётгани, замон шиддати уларнинг ҳам фаолиятида акс этиб бораётганини кўрсатади. Шу маънода, матбуотимиз саҳифаларида кейинги чоракда

таҳлилий-танқидий материаллар сезиларли даражада кўпайгани, ҳаётимиздаги мавжуд муаммо ва камчиликлар ўз вақтида ҳал этилишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсири сезилаётганини таъкидлаш ўринлидир. Бундай ижобий ўзгаришлар нафақат марказий, балки ҳудудий нашрларда ҳам кузатилаётгани ижтимоий ҳаётимизда очкиклик ва ошкоралик, демократик жараёнлар янги босқичга кўтарилиб, оммавий ахборот воситаларида ранг-барангликка интилиш кучайиб бораётганидан далолат беради. Жорий йилнинг учинчи чорагида мамлакатимиз даврий босма нашрларида эълон қилинган таҳлилий-танқидий материаллар таҳлили бу борадаги фикримизни яққол тасдиқлайди.

4-бет

Хурматли душтарийлар,
2018 йил учун "HURRIYAT" газетасига обуна бошланди.

"HURRIYAT"GA ОБУНА БЎЛИНГ!
Ўқинг, баҳра олинг ва уни дўстларингизга ҳам ҳадя этинг. Бундан ташқари, "Hurriyat" да чоғ этилган материаллар билан www.hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.



"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

«ДУСТЛИК КЛУБИ» ДАН ЛАВҲАЛАР

М.Ҳ.Ҳ.Р. БУЛАЛАРИ

Ўтаётган йилимизни "Халқ билан мулоқот, инсон манфаатлари йили" деб аталиши ва тегишли давлат дастурининг қабул қилиниши жамиятда инсон кадр-қимматига эътиборни кучайтирди. Мазкур дастур ижросини таъминлаш борасида юртимизда оламшумул ишлар амалга оширилмоқдаки, халқимиз бу қадар оқибатни ўз тақдирини кўрмаган бўлса керак. Бинобарин, мен мамлакатимиз тарихида инсоний муносабатларга рағбат уйғотган ушбу йил номининг абадий қолишини истардим...



Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 август куни мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашув ўтказганидан ҳаммаимиз хабардоримиз. Учрашувда миллий маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар, уларни ҳал этиш йўллари, бу борада ижодий уюшмалар ва давлат ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида атрофлича фикр алмашилди. Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида ижодий уюшмаларнинг ҳозирги аҳволи ҳақида тўхталар экан, уларнинг моддий имкониятларини яхшилаш, соҳа ходим-

ларининг тўлақонли фаолият юритишларини таъминлаш учун кенг имкониятлар яратиш масаласида фикр юритиб, жумладан: "Бутун маърифатли дунёда шундай анъана мавжудки, йирик компаниялар, банклар, фирмалар маданий ташкилотларга ҳомийлик қилишни ўзлари учун шараф деб биладилар. Баъзан, қани эди, бизда ҳам шундай ҳомийлар кўпайса, деб орзу қиламан. Аждолларимиз ўз даврида яратган илмий ва ижодий мактабларнинг вуҷудга келишида аввало ана шундай маърифатпарвар ҳомийларнинг ҳиссаси ҳал қилувчи аҳамият касб этгани яхши маълум. Шундан келиб чиққан ҳолда, яна бир таклифни

2-бет

ЁШЛАР БИЛАН КЕЛАЖАК САРИ

ТАЖРИБА

Юртбошимиз шу йил 12 июль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги нутқидан қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида ёшлар иштирокини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, мамлакатимиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳамиятини ёшлар орасида кенг тарғиб этишни устувор вазифа қилиб белгиланган эдилар. Бунинг учун ёшларга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатга эркин кириб чиқиш, қонунларни ишлаб чиқиш жараёнида иштирок этиш, депутатлар билан бевосита мулоқотни йўлга қўйиш кераклигини таъкидлаган эди.

Президентимизнинг юқоридаги топшириқларидан кейин партияларнинг ёшлар билан ишлаш йўналишида бир қатор янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. ЎзЛиДеП Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Парламент – ёшлар манфаатлари ҳимоячиси ва демократия мактаби» мавзусида анжумани шулар жумласидан. Унда ЎзЛиДеП Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ходимлари, партия фракцияси аъзолари ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятини яқиндан кузатиб бораётган 200 нафар иқтидорли ёшлар иштирок этди.

Анжуманининг биринчи кунин Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтди. Иккинчи кун эса ЎзДЖТўнинг анжуманлар залида давом этган тадбир ЎзЛиДеП Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ходимлари, партия фракцияси аъзолари ҳамда турли вилоятлардан ташриф буюрган иқтидорли талаба ёшлар иштирок этди. Бу анжуман Ёш либераллар клубининг «Келажак депутатлари» гуруҳининг таъсис йиғилиши каби яна бир манфаатли учрашув бўлиб десақ, янглишмаймиз. Чунки ушбу тадбир ёшлар ва депутатларнинг ўзаро фикр алмашиши учун яна бир имконият яратди.

Анжумандан асосий мақсад – ёшларни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти билан яқиндан таништириш, уларнинг қонун лойиҳаларини устиди ишлаб олиш, ўз фикрлари ва таклифларини ифода этиш қобилиятларини шакллантириш, янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида уларнинг бевосита иштирокини таъминлаш ва бу каби анжуманлар орқали ёшлар ўртасида бўлажак депутат ва сенаторларни тайёрлашдан иборат бўлди.

ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи аъзоларидан Дилшод Шоумаров ва Собир Жаборов ўзларига бириктирилган мазсулар юзасида мазсуларнинг баёноти давомида ёшларни қизиқтирган саволларига аниқ жавоб бериш, ўртага ташланган таклифларни эса қўллаб-қувватладилар.

Тадбир давомида «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасида муҳокама қилинган бўлиб, ёшлардан таклифлар олинди.

Анжуман доирасида мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида қабул қилинаётган қонунларини ишлаб чиқиш ва янада такомиллаштириш жараёнида ёшлар яқиндан танишиш ҳамда депутатларимизга ўз тақлифларимизни билдириш, – дейди Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти талабаси Шухрат Раҳмонов. – Мисол учун, мен «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунга «Ёшлар туризми» ибораси ва уни ривожлантиришга қаратилган алоҳида норма киритиш таклифини билдирдим. Чунки ёшлар туризмни ривожлантириш орқали мамлакатимиз нуфузини янада ошириш имконига эга бўламиз.

Бу тадбирда ҳам иқтидорли ёшлар орасидан янги етакчиларини аниқлаш ва партияларнинг истиқболли ёш кадрлари захираларига киритишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга партия билан танишган ёшлар, энг аввало, ўзининг сиёсий қарашларини шакллантириш имкониятларига эга бўлдилар.

Муҳаммад ХУҲАЕВ, ЎзДЖТУ талабаси

«INFOLIB – 2017» VI миллий ахборот-кутубхона ҳафталиғи бошланди



ЎзДЖТУ оилан сурагалар

Мулоқот «Бетгерхонлик – 2017. Халқаро кутубхона хамкорлиги: янги имкониятлар ва ривожланиш истиқболлари» мавзусидаги маърифий тадбир, «Ўзбек ёзувининг XX аср тарихи» номли китоб тақдими, Ўзбекистон халқ баҳисси А.Поёнов, Ўзбекистон халқ артисти Х.Лутфуллоев, шоира У.Абдуазимова билан ижодий учрашувларга уланиб кетди.

Хафталик давомида «Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мухтаассиси – 2017», «Исрол Каримов асарлари билимдон» танловларининг мамлакат бо斯基, шериъят ва мусика кечалари, соҳа мухтаассислари ва китобхоналар учун семинарлар, давра суҳбатлари, тренинглар, маҳорат дарслари ҳамда мамлакатимиздаги етакчи нашриётлар билан хамкорликда китоблар ярмаркаси, кўргазмалар, ёшларнинг маънавий билиминни оширишга йўналтирилган тадбирлар, фан ва маданият номаюнадалари, санъаткор ва ижодкорлар иштирокида ижодий учрашувлар ўтказилди.

Малоҳат ХУСАНОВА, ЎзДЖТУ мухбири

КҮНГИЛДАГИ ГАПЛАР

Журналист: – *Тарих гилдираги айланиб ўтаверади, деб ўйларканмиз. Аммо у баъзан қайталар ҳам экан. Кейинги бир йилда мамлакатимизда юз бераётган ўсиш-ўзгаришлар, кўпчилигининг кўтаринки кайфияти, баъзиларининг эса кечаётган воқеалардан эсанкираб, нима қиларини билмай қолаётганлари айни Республикамиз мустақилликка эришиш арафасидаги йилларга ўхшаб кетмоқда.*

Мамлакатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилган Ўзбекистон Президентини халқ қабулхоналарида келиб тушаётган хатларда, бевосита жойларда ўтказиладиган мулоқотларда одамлар йиллар мобайнида юрак қатларида тулғаниб қолган дардлари, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳақида ҳеч бир тўсиқсиз баралла айтишмоқда, уларни тузатиш чоралари кўриломоқда.

Уша биз оғзимизнинг суви қочиб гапирадиган Горбачёвнинг қайта қуриш йилларида ҳам ҳақиқатни айтиши қийин кечган эди. Улуғ ёзувчиси Одил Ёқубов СССР халқлари сөзди минбаридан гапириш учун йўғирма қўллаб кутган. Охирида орага ўша пайтда Қашқадарь область партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган биринчи Президентимизнинг ёрдами билангина тарихий нўнқини сўзлаш имконига эга бўлгани кўпчиликлка номмағлум.

Шу маънода, Носир ака, сиз халқимизнинг таниқли адибларидан бири сифатида мамлакатимизда кечаётган жараёнларни албатта, кузатиб бораётган бўлишингиз керак. Хусусан, Президентимизнинг Урта Осиёдаги республикаларро хамкорлик, бирдамликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳаракатлари бу алоқалар узилиш ҳолига келиб қолган бир пайтда қанчалик муҳим?

Носир Фозилов: – Аввал-бошдан айтгайин, бу алоқаларни тиклаш ҳаёт-мамат даражасида муҳим. Иккинчидан, Одил Ёқубов ўзининг ҳатто Андрей Сахаровни ҳам тикка туриб чапак билан маъқуллагша ундаган ўша машҳур нўнқига ҳақида «Осий банд» романида шундай ёзди: «Бемехр, бешафқат Америка планаторлари ўтган асрларда пахта далаларида ўзлари ишлашни истамай, Африкадан минглаб, ўн минглаб негрларни қўл-оёқларига кишан солиб олиб келганлар. Улар бу қўлларни шафқатсиз ишлатдилар ва улардан соғлом насб олиш учун қоринларини тўйдириб боқдилар. Оқбатда Америкада бўлган икки метр ва ҳатто икки ярим метр келадиган негрлар етишиб чикди. Улар ҳозир Америка спортининг ва ҳатто Америка санъатининг ҳам асосини ташкил этади. Ҳўш, биз нима қилдик? Биз бу шафқатсиз меҳнатни табиатдан нозик қиз-жувонларимиз зиммасига юкладдик. Оқбатда бизнинг шўр пешона хотин-қизларимиз қоқ суяк бўлиб қолдилар. Уларда на кўкрак бор ва на думба...»

Нўткиш шу ерга келганида зал бир тебраниб, жўр кулги янгради, кулги эса қарсақларга уланиб кетди. Лукьяновнинг тоқати тоқ бўлиб кўнғироғини чалар эди.

Биринчи бўлиб қозоқ дўстларимиз чопиб келиши ёнимга. Қозоқ шоири Мухтор Шаханов:

– Нега бундай қилдинг, ҳали уч минут вақтинг бор эдику, – деб танбеҳ берди.

Кейин етиб келган ўлжас эса:

– Майли, шу ҳам етарли бўлди, – деб менга тасалли берди». Мана буни ҳақиқий қардошлик, тилдошлик, диндошлик, ҳамдардлик деса бўлади. Ўша воқеалардан буён орада қанча-қанча сувлар оқиб ўтди... Биз бир-бирларимизни қўллаб-қувватлаш у ёқда турсин, унутиб қўяёздик. Сиз айтгандек, алоқаларимиз (гарчи қўполроқ ўхшатиш бўлса-да) чириб битаётган занжир ҳолига келиб қолди.

Энди бу занжирни кимдир янгилаши пайти келган эди. Бундан тўёғига муносабатлар аввалгидай давом этишини, таъбир жоиз бўлса, Аллоҳ ҳам истамасди. Ўзаро алоқаларнинг янги, умрбоқий даврини бошлаш Президентимиз Шавкат Мирзиёев зиммасига тушди. Дунёдаги энг қадим халқлардан ҳисобланган туркийларни қайтадан бирлаштириш, уларнинг бир-бирларига нисбатан қалбларидаги кўрларини қайта оловлантириш ҳар кимга ҳам насиб этавермади.

Бир муҳим жиҳатга эътибор беринг, Президентимиз ўз кўнғилида ардоқлаб келган бу мақсадини унчамунча ерда эмас, нақд Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Олий минбаридан туриб бутун жаҳонга билдириди: «Ўзбекистон, – деди Шавкат Мирзиёев, – бузғунчи кунда ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратмоқда. Бу – ҳар томонлама чуқур ўйлаб танланган йўлдор».

Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон шу минтақа барқарорлиги, изчил тараққиёт ва яхши кўшничлик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир».

Журналист: – Президентимизнинг юқоридаги гаплари чин юракдан чиққан, неча замонлардан буён, ўйлаб-пишитиб келинган гаплар эди. Эрамиздан аввал яшаган Хитой доншманди Конфуцийнинг бир гапи бор, у шундай дейди: «Раҳмдил бўлмоқ учун устоздан изн сўралмайди». Шавкат Мирзиёев ўз тилдошлари, қардошлари билан алоқани мустаҳкамлаше киришар экан, бировдан изн сўраб ўтирмади. Нима дедиуниз?

Носир Фозилов: – Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларимизда анча йиллар «бармоқ вази» да қадам ташлаб келдик. Энди «сарбаст вази» да, яйраб қадам ташлаш пайти келганга ўхшайди. Илгари нима бўлар эди? Президентлар бир-бирига борса ёки у жой бу жойда учрашиб қолишса, бир ҳафта ўн кун тилимиздан «биз оға-иниларимиз, еримиз бир, сувиимиз бир» деб жаврашдан бўшамас эдик. Бугун ўша гапларни воқеликлка айлангандан шабалалар эсмоқда. Масалани қўндаланг қўйиб, сўздан амалга ўтайлик энди деб жон куйдиранти Президентимиз. Унинг кунни тунга улаб қўлаётган ҳаракатларининг бониси нима? Мен қойил қоламан бу инсонга: ҳар қандай раҳбар ҳам бундай суруъат билан ишласа, толиқиб қолиши табиий. Асаблар чарчайди. Бугун Қирғизистонда, эртга Қозоғистонда, бошқа кун эса Америкада бизнесменлар, мамлакат раҳбарлари билан мулоқот қилаётганига гувоҳ бўласиз. Бир сўз билан айтганда, Президентимиз ўз куч-қуввати, соғлигини аямай шу юрт равнақи учун ҳаракат қилмоқда. Бониси, шунча йиллар йўқотилган вақтни янада яхши, савобли ишлар билан тўлдирини. Биз мана шундай пайтда албатта, у кишини қўллашимиз керак.

Ўзбекдаги «Меҳр қўзда» деган мақол, қозоқда ҳам, қирғиз ва туркманда ҳам бор. Бу халқларни

ЎРПАДА

ҳукуматларо борди-келдилар ҳам, адабиёт ва санъат, маданият ҳам бирлаштирди. Лекин яна бир восита борки, бу – халқ дипломатияси бўлиб, унинг қудрати юқоридагилардан-да кучлироқ. Халқ дипломатияси дегани оддий одамлар, ёзувчи ва шоирлар, маданият арбоблари ва ҳатто давлат раҳбарларининг ҳам ўзаро шахсий алоқаларига қурилади. Айталик, тўйми ё биров бир маърақа ўтказилса, ўша йиғинга келган одамларнинг олдида ёнингизда тўғишганларингиз турса, кўкрагингиз қандайин баландга кўтарилди. Бирорларнинг бир-бирларига эътиборлари жуда улуг саналди. Бунга мисол шуки, Қозоғистон Президентини Нурсултон Назарбаев Ўзбекистонга яқинда қилган ташрифи давомида Президентимиз у кишига «Эл-юрт хурмати» орденини тақиб қўяр экан, Нурсултон оға бу эътибордан қувониб, мен кўп мамлакатларнинг мукофотларига лойиқ қўрилганман. Аммо ўзбек халқининг хурматига сазовор бўлиш мен учун Оша қадри, деган гапларини айтди экан, тўғриси, қўзимдан ёш чиқиб кетди. Бу ҳам халқ дипломатияси. Мана шундай борди-келдилар, бир-биримизга бўлган эътиборни кучайтиришимиз лозим. Тарихда Ойбек, Гафур Гулом, Иззат Султонлар билан қозоқ адиблари Мухтор Азиев, Собит Муқонов, Фабиб Мурреповлар ўртасида қандай дўстлик, иноқлик мавжуд эди. Гафур Гулом вафот этганида Собит оқсоқол «Вой бовурум!» деб ўқириб йиғлаб, ўша пайтнинг ўзидаёқ Тошкентга ўчи кетганини Қозоғистонда халигача гапириб юришади.

Журналист: – Носир ака, боя ишни иқтисоддан бошлаш керак дедиуниз-у, фикрингизни давом эттирмадан, бошқа мавзуга ўтиб кетдиуниз. Бу билан нимани назарда тутган эдингиз?

Носир Фозилов: – Ҳозир шунга келиялган. Жаҳон давлатлари бугунги кунда бир-бирларига янада яқинлашмоқда. Олайлик, Европа иттифоқи, ҳозирда уларда бир хил валюта жорий этилди. Мен Европадан улгу олайлик дейман. Лекин, бир ўйлаб кўрса бўладиган ибрат. Марказий Осиёда бешта давлат бор. Бу яқин етмиш миллион аҳоли дегани. Борди-келди-ларимизни омонлаштириш учун шу мамлакатларнинг барчасида қўндаланган, шунингдек, чет элларда алмаштириш қобилиятига эга янона пул бирлигини жорий этсақ, қандай зўр иш бўларди! Бешта республика, бу – бешта бармоқ дегани. Худонинг ўзи мушт қилиб бирлаштириб қўйибди-ку. Янона пул бирлиги бўлса, кўп муаммоларимиз ҳал бўларди.

Журналист: – Маълумки, ўтган асрнинг йиғирманчи йиллари сўнғида араб имлосидан лотинга, қирғиз биринчи йилларга келиб эса, лотиндан қирғиз имлосига ўтказиш собиқ СССРнинг туркий халқларга нисбатан қўллаан сиёсати билан боғлиқ бўлган. Бир пайтлар қирғиз ёзувчиси, Ўзбекистонда кўн ўқилган «Синган қилич» романининг муаллифи Тўлаған Қосимбековнинг: «Сталин нафақат ўзбек, қозоқ, қирғизларнинг юртароар шоир ва ёзувчиларини, олимларини, шунингдек, уларнинг имлосини ҳам


МЕХР-ОКИБАТЛИ ХАЛҚИМИЗНИНГ ХИЗМАТИДА БЎЛганим БИЛАН

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан Ўзбекистон Республикаси Товар-хомашё биржаси ўртасидаги ҳамкорлик мухтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳозирданок ўз самарасини бера бошлади. Аввало, яқин келажакда икки томонлама амалга ошириладиган ишларнинг режаси тузилди. ЎзЖИУнинг моддий-техник баъзасини мустаҳкамлаш борасида дастлабки келишувлар шакллантирилди.

– Ўзбекистон Республикаси Товар-хомашё биржаси раҳбари А.Нагаев Навоий вилоятида бўлганида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг вилоят бўлимидаги ахволни жойида ўрганнши, ҳудудий бўлими доимий жой ва зарур техник жиҳозлар билан таъминлаш чораларини белгилгани кўп йиллар соҳада хизмат қилиб келаятган нафақат мени, балки, барча хамкасбаримизни руҳлантириб юрди, – дейди ЎзЖИУнинг Навоий вилояти бўлими раҳбари Ёрқул Умаров.

Фақат бугина эмас, айни пайтда уюшманинг барча ҳудудий бўлимлари фаолиятини кучайтириш режалари ишлаб чиқилди. Кисқа муддатда «Дўстлар клуби»нинг «Дўст билан обод уйинг» деб номланган электрон сайтига асос солинди. Энг муҳими, ЎзЖИУга қўрсатилган моддий қўмак туфайли бир гуруҳ эхтиёжманд, устоз журналистларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий қўмак бериш имконияти пайдо бўлди.

Бу борада «Узланган тор» кисаси, «Хижрон», каби драматик асарлар, яқиндагина ўқувчилар қўлига етиб борган «Яхшилик умри» китоби муаллифи, узок йиллар нуфузли ОАВ-да самарали меҳнат қилиб, эъти-



бор топган журналист Фарид Усмонованинг қалб сўзларига қулқот тутади.

– Тўқсон билан тўқнашиб, юз билан юзлашиб турганимга қарамай, ижод қилишдан толиққан йўқ. Шу кунгача ўнлаб бадий ва публицистик китобларим нашр этилди. Эндилдикда уларни ўқувчилар қўлида қўришдан мамнунман. Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ижодкорлар билан бўлган учрашувида қуйидаги, мен учун жудаям қадри бўлган дарвоҳ ҳақида: «Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг тўлақонли фаолият юртишини таъминлайдиган молиявий механизми, орадан 20 йилдан ошдиқ муддат ўтган бўлса-да, хали-хануз аниқ белгиланмаган. Уюшмани алоҳида бино билан таъминлаш масаласи ҳам неча йиллардан бери ечилмай келмоқда. Шу-

нинг учун Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини кучайтириш бўйича қарор лойиҳаси устиди иш олиб борилиш», деган сўзлари қанот барншлади. Ҳақиқатан ҳам соҳани ривожлантиришга масъул бўлган ижодий уюшмамизнинг ахволи узок йиллар ниҳоятда танг эди. Соҳада кўп йиллар хизмат қилган биз каби кекса авлод вакиллари ўзаро йиғилганимизда бу ҳақда кўп суҳбатлардик. Мана, ана шу тарихий учрашувдан сўнг, кисқа вақт оралиғида соҳани ривожлантиришга қаратилган иккита фоят муҳим қарор қабул қилинди. Эндилдикда биз каби фахрий ижодкорлар ҳолидан ҳам хабар олинаётгани фақат яхшиликка, одамлар орасида меҳр-окибат ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Биз уйда ўтирсақ ҳам элу юрт гамида юрган раҳбарларимизнинг ишларига омад, жону танларига соғлиқ тилаб дуодамиз». Бу каби фикрларни қўниқўнжимиз тўлиб, ҳар бир кишига 300,000 сўм миқдорда 15 турдаги озик-овқат маҳсулотларини олиб борганимизда нафақадан бонша устозлардан ҳам кўп эшитдик. Чунончи узок йиллар «Ўзбектеелефильм» студиясида кинооператор бўлиб ишлаган, ўз ишининг моҳир устаси, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 93 ёшни қаршилаётган Владимир Пановнинг хонадонида бўлганимизда у кишининг қўзларида севинч ёшлари тўхтамади. «Яқиндагина Окил Умрзоқович Салимов кўнғирок қилиб, биргалликда шифхонада даволанишни тақлиф қилганиди. Бугун сизлар, қадрдон уюшмамиздан келиб ахволимни сўраб турибсизлар, бошим ос-

монга етиди. Меҳр-окибатли халқимизнинг хизматида бўлганим билан фахрланаман», – деди. Унинг деворга осилган, журналистиканинг фахри дасрлари аксини топган фотолаҳзаларини кўриб, бу дарвоҳга тез-тез келиб туришни дилга туғиб қайтдик.

Таниқли журналист, олим Бойбута Дўстқороев, эл орасида ўз фаолияти билан эъзоз топган устоз журналистлар – Фарид Усмонова, Абдуҷаббор Маннопов, Турсунпўлат Ҳолмухамедов, Бахтиёр Мансуров, Суннатилла Сайдалиев, Эргаш Иброҳимов, Надежда Паняқшина каби хамкасб отаҳон ва онаҳонларнинг хонадонларида бўлганимизда ҳам бу каби қалб сўзларини кўп эшитдик.

Аслини олганда, гап саховатли йўқловларда ҳам эмас, аввало эътибор, кўнғил ободлиги, меҳр-окибатнинг устуворлиғида.

Буларнинг хаммаси юртимиздаги инсоний муносабатларни янада шакллантиришга қаратилган халқчил сиёсатнинг ёркин самараларидир. Қалбларда бундай меҳр-окибат уйғотаётган олийжаноб раҳнамоларимиз бор бўлсин. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан дўстона муносабатларни самарали бошлаган Ўзбекистон Республикаси Товар-хомашё биржаси жамоасининг келгуси ишлари бароридан келсин, дея мақоламизга улуг шойримиз, бешақдор ижодкор, Ўзбекистон Каҳрамонини Эркин Воҳидовнинг «Дўст билан обод уйинг», деган мисралари билан яқун ясадик. Мамлакатимиз янада обод, хонадонларимиз фаёзи бўлган ота-оналаримиз саломат бўлсин, ўзбекона оқибатимиз ўлмасин, деймиз.

Ўқтам МИРЗАЁРОВ
Шолағиз ШОҲИДОЕВ
олган суратлар

БЕТОНА ИҶК

(Ёзувчи Носир Фозилов билан суҳбат)

қатагон қилди" дегани ёдимда. Демак, СССР пайтидаги имло ўзгаришлари бежиз бўлмаган. Мустақиллик йилларига келиб, Ўзбекистонда имлони ўзгартиришга нима мажбур қилди, деб ўйлайсиз?

Носир Фозилов: — Уша пайта бунга таклиф дейимиз, буйруқ дейимиз дастлаб кимдан чиққани номаълум. Фармон чиққани бор гап. Лекин фармонга нима гап бўлган, биз бунга билмаймиз. Маълум нарса шуки, дунё халқлари билан алоқага киришиш қирилга нисбатан лотинда тезроқ кўчади, жаҳондаги кўп давлатлар лотин имлосида ёздади, демак, бу имло мамлакатни компютерлаштиришда ҳам қўл келади, деган қарашлар билан қўл урилди. Яқинда бир жойда ўқиб қолдим. Бир тилда гапшаладиган икки ярим минг кишилик элатнинг имлоси ҳам компютерга туширилибди. Япония, Хитой, Кореянинг имлоси тамгалардан иборат. Улар компютерда йўқми?

Бир пайтлар Қозғоғстон халқ ёзувчиси Абдулла ога Тожиев шундай деган эди: "Қозғоғстонда шарқий туманлар (ийгиirmanчи йилларда. — Н.Ф.) ўзича автономия аталиб, жанубдаги — ҳозирги Қизил Ҳуд, Чимкент, Жамбил ҳамда Қирғизистон Республикаси Ҳура Осиё Республикалари қаторида қолди. Бундай талотул замонларда адабиётларимизни дўстлаштириш, уларнинг замонга ҳос борди-келидиларини йўлга қўйиш ҳақида ҳеч қанақа гап-суз бўлгани йўқ, бинобарин, бунга ўша пайтда фурсат ҳам бўлмаган. Шунинг учун бўлса керак, биз ўзимизнинг қадимий оdatимиз бўйича чигатой тилида босилган адабиётларни ўқиб, мутлақа қилиб юрaverганимиз. Тошкентда чоп этилган ўшандай асарларни ўзбек тилига ёхуд туркман, қирғиз тилларига ўтиришнинг ҳожати йўқ эди. Бир-бирларимизни таржимасизроқ тушунавeраp эдик".

Энди-чи? У алифбодан бу алифбога ўтавериб саводсизлик урчиди. Лотинда қоладиган бўлсак, унинг ҳарфларини ислоҳ қилиб, товушларимизни тўла инфо да этидиган ҳарфларга тўхтама қилайлик. Йиғирманчи, ўттизинчи йилларда ўрта турк адабий тилини яратиш устиди иш олиб борилган эди. Бу мақсадлар ҳам қирғиз адабиётиники, қатагонга учраб йўқ бўлди. Энди нима қиламиз? Энди Ўзбекистон, Қозғоғстон, Қирғизистон, Туркманистон, истаса Тожикистон ҳам бир юмалок стол атрофига ўтириб имломизни тартибга солишни, уни туркий тил — ҳаммамиз гапшаладиган тил нормаларига мослаштиришни ўйлашимиз керак. Акс ҳолда келгуси авлодлар бир-бирларидан бутунгидан ҳам йироқлашиб кетади. Шундай қилиб ягона пул ва ёзув масаласи ҳал бўлса, қадимгидай бир халқ, бир миллат бўлишимизга шубҳа йўқ.



Шу ўринда яна бир-иккита масалани айтиб ўтсам. Акс ҳолда, бошқа ёқларга чалғиб, ўглаб кетмайлик. Айтмоқчи бўлганларимдан бири, бу — тарих дарсликлари масаласидир. Хабарингиз бор, шўро пайтида ҳамма мактаб ва олий, ўрта-махсус ўқув юртиларида СССР тарихи дарслиги мажбурий ўқитилган. Мана чорак асрдан кўп бўлди, СССР йўқ, ўша тарих ҳам йўқ, Албатта, ҳозир ҳам ўқув юртиларида чет мамлакатлар тарихи ўтилайётган бўлса ажабмас. Ўзимизда яратилган баъзи тарихий китобларни ўқиб ҳайрон қоламман. Уларда муаллифлар тарихий воқеалар ҳақида сўзлар экан, буларнингнинг, кўкаларининг, тоға, болбаларининг хотирларини бизга тарих ўрнида тақдим этишмоқда. Бу ҳам керак. Аммо тарих бу алоҳида фан. Ростдан ҳам бўлиб ўтган воқеаларга, аниқ манбаларга асосланади. Қачон, қаерда, қандай, ким ва нима деган аниқ саволларга жавоб бериши керак ўша тарих. Ҳозир кунимиз "қўлбола" соломаларга қолмоқда.

Ватанимиз қадимий Туркистон ўзининг шон-шавкатли тарихига эга. Кейинги минг йилликларни кўйинг, ҳатто милоддан аввалги бу ерлар билан боғлиқ манбалар бор. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, барча қўшни давлатлар ўқув юртиларида "Туркистон эки Турон тарихи" деган фан ўқитилса. Бу соҳада зарур дарслиқлар яратилса, деган таклифим бор. Мазкур тарих кимгадир ёкиш-ёқмаслигини қатъи назар, у мавжуд. Ўрганиш эса ер-суви, тоғи-боғи бир, аммо кейинги йигирма йилларда янги тарихлари бошқа-бошқа бўлган халқларимизни фақат бирлаштирадидеб ўйлаيمان.

Энди саволни мен берай. Мана сиз Қирғизистонда тутилгансиз, мен Қозғоғстонда. Иккаламиз ҳам ота юртимизга имкон қадар бориб тураемиз. Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга ташрифидан сўнг борди-келидиларини оsonлаштириб, чегаралар очилди. Борганингизда юртдошларингиз сиздан нима сўрашади?

Журналист: — Албатта соғлиқ-саломатлигимизни, кейин эса Ўзбекистонда юз бераётган янгиликлар, ўзгаришларни, кўпчилик дўстларим янги китоб олиб келганини ёки йўқлигини сўраштирашди.

Носир Фозилов: — Кам бўлманг. Уша одамлар Ўзбекистонда кечаётган жараёнларни билишга ўта интиқ. Ахир Қирғизистонда расмий маълумотларга кўра бир миллионга яқин, Қозғоғстонда олти юз мингдан кўп, Туркманистон, Тожикистон, Афғонистон ва бошқа ўлкада мамлакатларда ҳам ўзбеклар истиқомат қилади. Бундан тахминан ўн йил илгариги ҳисоб-китобларга кўра бутун дунёда қирқ миллиондан ортиқ ўзбек бор эди. Ҳозирда бу рақам янада ошгани табиий. Шунча одамнинг битта кўзи тарихий ватанлари бўлган Ўзбекистонда туради. Биз шу муборақ юрғда яшар

эканмиз, четларда умргузаронлик қилаётган ўзимизнинг ўзбекларни унутмаслигимиз фарз. Улар биздан нон-туз талаб қилишмайди. Бу одамларни аввало юрт соғинчи, қолаверса, Ўзбекистонда чоп этилаётган газета-журналлар, бадий китоблар, юрғда кечаётган ўзгаришлар ҳақида ахборотлар кўпроқ қизиқтиради. Қисқаси, уларнинг ўшандай эҳтиёжларини қондиришга Ўзбекистонни масъул деб биламан.

Тошкентнинг Шота Руставели кўчаси билан эски Заводская кўчаси кесишган жойда қардош халқларнинг китоб дўкони бўлар эди. Ҳозирда ўша дўкон йўқ. Унга ўшшаган дўконлар барча қардош республикаларнинг ҳеч йўғи катта шаҳарларида бўлиши керак.

Яқинда Ўзбекистонда чет эл валюталарининг расмий конвертацияси очилди. Газета-журналларимиз, нашриётларимизнинг вакиллари энди қардош Республикаларга боришини, одамлар билан суҳбат қилишини, улар ўз обуначиларини, харидорларини албатта топишади.

Журналист: — Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг нуфузи салкам саккиз юз миңга чиққан эди. Шундан ўттиз миңга яқини Қирғизистонга жўнатилганини биламан. Носир ака гап мавнавият ва маданият масаласига келиб тақалар экан...

Носир Фозилов: — Қардош республикаларда ўзбек тилида ўқитиладиган мактаблар, ўқитувчилар йилдан-йилга камайиб бораётгани ҳақида ҳам тўхталайлик димоқчисизда? Бу жуда оғриқли масала...

Журналист: — Қирғизистоннинг Жалолобод вилоятида ўзбек мактабларининг ёпилиш ҳолатлари мавжуд. Биринчидан, дарслиқлар йўқ. Борлари ҳам талабда жавоб бермайди. Иккинчидан, олий ўқув юртиларида дарслар қирғиз тилида ёки рус тилида олиб борилади. Ўзбек тилига эҳтиёж қолямапти. Шу боис аҳолининг кўпчилиги ўз балаларини рус ёки қирғиз мактабларига ўқига беришяпти.

Носир Фозилов: — Бир пайтлар Тошкентда Ўрта Осиё давлат университети бўлар эди. Қўшни республикалардаги кўпбал мутахассислар ўша даргоҳни битиришган. Жумладан, ўзим ҳам. Кейинги йигирма беш йилда Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги олий ўқув юртилари қўшни республикаларда яшайдиган қанча абитуриентга жой берди экан. Битта-иккита бўлса ҳамдир. Қўнгили кенгроқ қилишимиз керак. Қўшни республикалардаги туркий миллатдошларимизнинг балалари учун олий ўқув юртиларида маълум имтиёзлар бериб, уларнинг ўқишларига шароит яратиш ўта муҳим.

Хуллас, гапиримиз десак, гап кўп. Энг муҳими, ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш учун қадам ташланди. Ана шу қадам бардамов бўлсин.

Президентимиз яқинда бўлиб ўтган адабиёт ва санъат, маданият ходимлари билан бўлган учрашув чоғида йиғилиш аҳига қараб шундай леда: "Биз ҳаммамиз бир-биримизни яхши биламиз, машҳур бир қўшиқда айтилганидек, "ўртда бегона йўқ". Бу гапларни Ўрта Осиё халқларига ҳам татбиқ этса бўлади. Маъқул топилса, республикалар раҳбарлари бир стол атрофига ўтириб, бу халқларнинг ҳамкорлиқа, бирдамлик ва яна бундай ҳаёт кечириш йуриқларини бамаъна ҳал қилишга олишса, нур устига нур бўлар эди. Зеро, ўртда бегона йўқ.

6 Суҳбатни Ёқубжон ХўЖАМБЕРДИЕВ ёзиб олди.

ТАРАҚҚИЁТ

26-27 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органларининг ахборот хизматлари ходимлари, ОАВ вакиллари учун Интерактив давлат хизматларининг Ягона Портали орқали давлат хизматларини тарғиб қилиш масалаларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Фаолиятда янги формат

Ушбу тренинглар юртимизда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази томонидан "InfoCapital Group" консалтинг компанияси билан ҳамкорликда Осиё Тараққиёт Банки кўмагидаги "Самарали давлат бошқаруви учун электрон ҳукумат" лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

Тадбирда 2017 — 2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналиши — "Давлат ва жаҳият қурилишини такомиллаштириш"ни амалга ошириш доирасида "Электрон ҳукумат" тизимини такомиллаштириш, аҳоли ва бизнес вакиллари учун давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизmlарини ҳаётга татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги борасида атрофича фикр алмашилди.

Ўзбекистон "Электрон ҳукумат" фаолияти борасида БМТнинг 2016 йил 30 июлдаги ҳисоботида қўра, 193 та давлат ичида 80-ўринга кўтарилиши, бу рақамлар 2014 йилдаги рақамлар билан солиштирилса, ўтган икки йил да

вомиде электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича олиб борилган кенг кўламли чора-тадбирлар самараси ўлаоқ 20 пононага кўтарилиши (2014 йил 100-ўринда эдик) амалга оширилган сайё-ҳарақатларнинг бесамар кетма-кетлигини далолат беради. Тренингда давлат хизматларининг онлайн режимга ўтиши таъкидланди. Он-лайн режим фаолиятдан аҳолини ҳар томонлама хабардор қилишнинг долзарблиги билан боғлиқ масалалар ўртага ташланди. Айтиш керакки, бугунги кунда ҳар бир давлат самарасини интернет воситасида фаолиятнинг янги форматига ўтмоқда. Арзалар, мурожаатлар, ҳисоботлар, ҳужжатларни расмийлаштириш, мулк ва бизнесни рўйхатдан ўтказиш каби кўпбал хизматларни тармоқ орқали бажариш анча қулайликлар туғдирмақда. Шу муносабат билан айни даврда давлат органларининг аҳолига қўрсатаётган хизматларини такомиллаштириш ва кенгайтириш бўйича мунтазам фаолият олиб бериш керак.

Сабоҳат СУЛТОНОВА

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Андижоннинг сўлим табиати, боғ-роғлари, гулу гулзорларига мафтун бўлмаган, хушфюъл, ҳазилкаш одамларига ҳавас қилмайдиган одам топилмасе керак.

Авваллари андижонликлар ҳақида гап кетганда, асосан уста пахтакорлар, миришкор боғбону соҳибкорлар, юртимиз шаънини халқаро майдонларда баланд кўтарган мохир спортчилар тилга олинган бўлса, бугун улар сафига ишбилармон ва тadbиркорлар ҳам қўшилди. Истиқлол кашф қилган ишбилармон ва тadbиркорлар барча вилоятларда бўлганидек, Андижонда ҳам йилдан-йилга қудратли кучга айланиб, эътирофга арзийдиган ишларни амалга оширишмоқда. Бунга вилоятдаги шахару қишлоқларнинг бугунги киёфасидан ҳам дарҳол илгаш мумкин.

Кенг ва раvon кўчалар, жаҳон андозаси даражасида бунёд этилган бинолар савдо шохобчаларига замонавий тураржойлар, дам олиш масканлари, диний яшнатадиган боғлар, гулу гулзорлар... Буларнинг бариде тadbиркорларнинг катта ҳиссаси бор.

Ана шундай элпарвар юртдошларимиздан бири Избоскан туманининг Туячи кишлоғидаги Нодираҳон Аҳмадалиевадир. — Далам Қаҳрамонжон Валиев нафақага чиққунларига қадар қишлоғимиздаги мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган, — деб эслайди Нодираҳон. — Онам Мўстабархон Абдуллаева эса колхозда 30 йил расулик қилганлар. Уй-рўзгор юмушлари, укаларимнинг тарбияси, асосан менинг зиммамда эди. Болалигимда бошқа тенгқурларимдек кўча чангити ўйнаб юриш учун десьри вақтим бўлмаган. Бўш вақт топдим дегунча дарсларимни тайёрлашга ҳаракат қилардим. Бундан сира хафа бўлмаяман. Онлამиздаги ана шундай шароит мени ҳам, укаларимни ҳам чиниқтирди, меҳнатга ўргатди. Мана бугунги кунда икки укам ҳам фермерлик ва тadbиркорлик билан банд.

Дарҳақиқат, меҳнат инсон умрини безайди. Ҳаёт тўсиқларини ўз кучи ва ҳаракати билан енгиб ўтишга ўргатади. Нодираҳон ҳам ўрта мактабни битиргач кўнглига туккан орзуларини амалга ошириш учун астойдил интилди. Қийинчиликлардан чўчимади. Андижон тиб

биёт институтида аёло баҳоларга ўқиб, аспирантурада тахсил олди. Москвада номзолик диссертациясини ёқлагач, Тошкент тиббиёт институтида (ҳозирги тиббиёт академияси) уч йил талабаларга дарс берди.

Ўша йиллар республикамиз мустақилликка эришган пайтлар эди. Фермер ва тadbиркорларга катта имконият ва имтиёзлар берилди. Хорижий мамлакатлардаги ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилиш учун кенг йўл очилди. Ана шунда қаҳрамонимиз Нодираҳоннинг кўнглида даволаш ва дори-дармон ишлаб чиқаришда дунёда етакчилик қилаётган давлатлардан бири, Ҳиндистонни бир қўриб, у ердаги қамқасбарлик фаолияти билан яқиндан танишиш орузи туғилди.

Биз Нодираҳонни меҳнатсевар, ўз мақсадларини амалга ошириш учун астойдил интиладиган бўлиб ўсиб улгайган деб таърифлаган эдик. Ана шу хислати бу сафар ҳам орзуларининг рўёбга чиқишига ёрдам берди. 1993 йил бир гуруҳ саёдатчилар билан Ҳиндистонга сафар қилди. Бобур Мирзо ва унинг авлодларидан қолган ёдгорликларни зиёрат қилгач, қолган вақтини Ҳиндистонлик тиббиётчиларнинг фаолияти ва улар ишлаб чиқараётган дори-дармонлар билан танишишга сарфлади. Ҳиндистонлик тажрибали соҳа мутахассислари маслаҳатларини иштади, таклиф ва мулоҳазаларини ўрганди, ишлаб чиқариш жараёнларини кўрди, Ўзбекистонга қайтгач, урта йирик компанияларнинг дориларини Ўзбекистон реестридан ўтказди ва Андижонда "Бисёр Ўзбекистон",



"Сўзана" фирмаларини ташкил этди. Шундай қилиб Нодираҳоннинг тadbиркорлик фаолияти бошланди.

— Ҳар бир тadbиркорнинг зиммасида Президентимизнинг, давлатимизнинг, халқимизнинг ишончини оқлашдек катта масъулият бор, — дейди у. — Агар бизга ишонмангизда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев "...Бундан кейин тadbиркорлиқни ривожлантиришга тўсиқчилик қилиш — давлат сийсатига, Президент сийсатига тўсиқчилик қилиш, деб баҳоланади. Принципиал жиҳатдан ниҳоятда муҳим бўлган бу позициямизни яна бир бор алоҳида таъкидлаб ўтишни муҳим ва зарур деб ҳисоблайман", — демаган бўларди. Ана шу ишонч туфайли тadbиркорларга барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Имконият ва имтиёзлар берилмоқда. Шунинг учун юрт ишончини оқлашга астойдил ҳаракат қилиш бурчимиздир. Бошлётган ишимизни пухта ўйлаб, ўрганмай, мукаммал режалар асосида ташкил қилмай таварикат қилишга ҳаққимиз йўқ".

Нодираҳон ўзининг сўзларига ўзи қатъий амал қилади. Шундан бўлса керак, тadbиркорлиқни бошлагандан буён ишлари юришапти. Бугунги кунда у ташкил қилган урта фирма, бир неча савдо дўконлари андижонликларга беминнат хизмат қилмоқда.

завода ишчиларни яхши ишлаб, бўш вақтларида мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун барча зарур шароитлар яратилди.

Худди шундай заводлар фаолияти билан танишиб юрган пайтида Нодираҳонга яна бир яхши фикр туғилди. Маълум бўлишича, заводда маҳсулот ишлаб чиқариш пайтида анчагина иссиқ сув ҳосил бўлар экан. Уни беҳуда оқизмаслик учун завод ёнидан иссиқхона ташкил қилишга қарор қилди. Шаҳар ҳокимияти бу ташаббусни маъқуллади. Завод ишчиларининг даромадига даромад қўшадиган, яна ўнга яқин ишчи ўрни яратилдиган бундай ташаббусни маъқулламай бўладими?! Шундай қилиб, завод учун ажратилган 1,5 гектарга қўшимча яна 70 сотих ер ажратилди.

— Иссиқхонада етиштирилаётган маҳсулотлар ходимларимизнинг даромадида беъизди. Маълум бир қисминини соҳиб-муқофот, моддий ёрдам қилиб тарқатамиз, — дейди Нодираҳоннинг ҳамқори Русулжон Хайдаров.

Иккинчи завод Избоскан туманининг Пойтуғ қишлоғида жойлашган. Бино рисоладаги дук, хоржида ишлатиб чиқарилган дастдоҳлар ўрнатилган. Дастдоҳлар ва ишчилар учун яратилган шароитлар Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги текширувни ўтказилди, маъқулланган. Фақат Ҳиндистонлик ҳамкорлар келиб "Ишни бошладик" деса, бас. Завод ишта тушади, 50 нафардан ортиқ пойтуғликлар иш билан таъминланади.

Сейлон компанияси билан ҳамкорликда ишта туширилган бў қўшма корхонада жиғар хасталиқларини даволаш учун энг ноёб дори-дармонлар ишлаб чиқарилади.

— Бу корхоналарни қуриш, ишлаб чиқариш ускуналарини олиб келиш осон бўлгани йўқ, — дейди Нодираҳон. — Завод бунёд бўлгунча Рустамжон билан неча-неча марта Ҳиндистонга бориб келдик. Лекин мақсадимиздан чекинганимиз йўқ. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бир катта йиғи-

лишда: "Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз — кичик бизнес ва тadbиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улущини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Нега деганда, тadbиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади. Мен тақдор бўлса ҳам айтишдан ҳеч қачон чарчамайман. Яъни "Халқ бой бўлса, давлат ҳам қудратли бўлади" деб айтган сўзларининг исботини кўрдим. Бизнинг лойиҳамиз маъқулланди давлат дастурига киритилди. Барча зарур шароитлар яратиб берилди. Бундан бир неча йиллар олдин хорижий давлатларга бориб, йирик корхоналар билан танишганимда "Нега шундай корхона бизнинг юртимизда йўқ? Хорижликлардан қаеримиз кам?" деган ачиққўйлар хаёлимдан ўтарди. Энди ўша саволларга жавоб топдим. Бизда билим ҳам, куч-гайрат, хомашёлар ҳам етарли. Фақат бир пайтлар ҳозирдагидек етарлича рағбат, имкониятлар бўлмагани ишбилармонларимиз йўлига ғов бўлган. Мана бугунги кунда менинг кўп йиллик орзуларимнинг иккитаси амалга ошди арафасида турпти. Мен бахтлиман деб тақдор-тақдор айтсам арзийди. Мана шу бахтим ҳақида гапирганда вилоятимиз ҳокими Шухратжон Абдуллаева ўз миннатдорчилигини билдирмасдан ўтолмайман. Чунки Шухратжон ака Президентимизнинг кўрсатмаларини ўз вақтида ижро этиб вилоятимиздаги барча тadbиркорларга, жумладан, мента ҳам қийинчиликларни енгиб ўтишима ёрдам беришти.

Гап шу ерга келганда бизнинг ёнимизда янги, қора рангдаги "Каптива" русумли машина келиб тўхтади ва унинг ичидан соч-соқоли юзларига салобат бахш этиб турган отахон ва нуруний онахон тушиб келди. Нодираҳоннинг юзида табассум

балқиди. Биз билан бирма-бир кўришиб, ҳол-аҳвол сўраётган отахон ва онахонга ишора қилиб: "Менинг аям ва дала-жоним", — леда ўзгача ифтихор билан. Кейин фарзандаларга хос еркалини дадасига: "Аяжонимни қаерга опқочиб кетаясиз?" — деб ҳазил қилди.

— Аянгни қаерга опқочаман? — леда отахон қўзининг ҳазилга жавобан ёлгондакам қовонини уюб. — Узи undan қочиб кутулдоломай юрибману. Кейин ортида турган кампирга ўтирилди-да, "ҳазил" дегандай қўзини қисиб қўйди. Барчанинг юзида табассум югурди, кўнглида илқик ўйғонди... Отахон онахон биз билан хайрлашиб, яна машиналарига ўтирди. Нодираҳонга: "Чолу кампирга "Каптива" олиб бериб, роса яғратибсиз-да, — дедик ҳавасимиз келганини яшрайми.

— Қаерда, — ледаи дадаси ва аяси кетаётган машина ортисидан меҳр билан қараб турган қаҳрамонимиз. — Бу чолу кампирлар биз фарзандлар олиб берадиган машинага қараб қолгани йўқ. Аксинча, халигача ҳол-аҳолимизни сўраб, камқўшимиз бўлса, тўлдириб турарди. Чунки "Энди нафақага чиқдиларинг, дам олинглар" — деб ялиниб ёлвориларимизга қарамай, алоҳида фермер хўжалиги ташкил қилишган.

Гектар-гектар ерга экин экиб, 200 бошдан ортиқ голланд молларини парвартишяпти. Миниб келган машиналари ҳам ўзларининг даромадига келган.

Нодираҳоннинг энгиздаи қийим-бош, андижонча шевадаги гап-сўзлари, беғубор ҳазил-хузулларини эшитиб, худди марҳаматлик машхур шоир Муҳаммад Юсуфнинг шеърларига ўхшайди-я, деган фикр хаёлимдан ўтди: олдин, самимий, чапани... Лексин ана шу оддийлик, самимийлик ва чапанилик замирида ўткир ақл-заковат, унча-мунча қийинчиликлар енга олмайдиган куч, гайрат-шижоат мужассамлиги аниқ.

Бунга у қилган ва қилаётган ишлар исботлаб турибди.

Ўткан АБДУЛЛАЕВ
"Hurriyat" мухбири

ЖУРНАЛИСТ СЎЗИ – ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИДА

2017 йилнинг учинчи чорагида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган таҳлилий-танқидий материаллар ҳақида

▶ ЯНГИ НАШР

Бугун мамлакатимизда 1500дан зиёд оммавий ахборот воситалари фаолият юритмоқда. Жумладан, ижтимоий-сиёсий, илмий оммабоп маънавий-маърифий, адабий-бадиий, йўналишлардаги газета ва журналлар ўқувчиларни беэйтибор қолдираётгани йўқ.



Бошланғич 1-бетда

Ўтган муддатда “O‘zbekiston ovozi” газетасида “Журналист суриштируви” рукин остида таҳлилий-танқидий мақолалар изчил чоп этилди. Масалан, газетанинг 15 июль сониди берилган “Терговда ва судда жавобсиз қолган саволлар” сарлавхали мақолада отамерос ҳовлини талашаётган Богот турмани Найман қишлоғида яшовчи ака-ука Абдуллаевлар ўртасида бўлиб ўтган жоғора ҳақида сўз юритилган.

Тахририятга кўмак сўраб муурожаат қилган Музаффар Абдуллаевнинг ёзишчи, уйга эгалик ҳуқуқи бўлган отаси Курбонназар Абдуллаев “Мендан кейин ўғилларим уй-жой талашиб юришмасин”, дея турар жойининг 22 сотихини катта ўғлига, 6 сотихини кичик ўғли Музаффарга давлат нотариал илораси орқали ҳада этади. Музаффар ўзига тегишли уйнинг ички қисмини таъмирлашга киришганида акаси ноқулни бўлиб, унинг ўзининг номига ўтказиб беришни сўрайди, бўлмаса, хотинининг ҳоласи “катта жойда” ишлашга шайма қилади. Маълум бўлишича, “куёвпарвар хола” Анажон Аллаберганова жиноят ишлари бўйича Богот туман суди котиб (аввал девонхона мудири) бўлиб ишлар экан. Шундай қилиб, ака-уканин그 ораси бузилди.

Кейинчалик маълум бўлдики, аканинг номидан барча ёзишмаларини унинг “паноҳи” – Анажон Аллаберганова амалга оширган. Ажабланишли, суриштирув жараёнида акаси Аллаберганова “фаолиятининг кўлами” каттагина экани, унча-мунча одамнинг “муштунини пиш” дея олмаслиги ойдинлашган.

Хуқуқни ҳимоя қилиш органлари томонидан 2012 йил 14 апрелда ўтказилган рейд натижасида Бойқозоқ маҳалласида яшовчи А.Аллабергановага тегишли уйнинг ёрдамчи хоналарида 4 тонна 810 килограмм пахта, 1370 килограмм тола, 100 килограмм чигит ноқонуний сақлангани аниқланган. Газетада ёзилишича, А.Аллаберганова ва ўзига нисбатан барча суриштирув ва дастлабки тергов жараёнидаги кўрсатмаларини ўзгартира-ўзгартира охири муқофасида этади. Яъни жиноят ишининг унга тегишли қисми бутунлай тугатилди.

Шу ўринда мамлакатимизда коррупция деб атайдиган иллатга қарши кураш бораётган бир пайтда боғотлик ҳуқуқ ҳимоячиларининг ҳаракатсизлиги бу ва бошқа жиноятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмайди, деган ҳақиқат савол тугилди. Муаллиф шунинг учун ҳам ўз мақолисида “Терговда ва судда жавобсиз қолган саволлар” деган сарлавҳа қўйган.

Куриниб турибдики, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларида ҳамон одамлар мушқуллари осонлаштириш ўрнига масалани чиғаллаштиришнинг, “осмоннинг қўлимда” дея ўзини устуь санаб юрганлар оз эмас. Уларга қарши курашиш, асл башарасини очиб ташлашда матбуотнинг ўрни қандай бўлиши кераклиги ушбу мақолада акс этган.

Бугунги кунда мамлакатимизда, айниқса, таълим-тарбия муассасаларини зарур талаблари асосида таъмирлаш, замон алабитлар ва жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қарилмоқда. Аммо мазкур жараёнда “мендан кетгунча, эгасига етугунча” қабалида иш тутаётганлар ҳам топилмади.

“Маърифат” газетасининг 16 август сониди эълон қилинган “Сирти ялтироқ, ичи қалтироқ мактаблар” сарлавхали мақолада ёзилишича, Наманган шаҳридаги 14-, 15-, 36-, 44-, 50- ва 55-умумтаълим мактаблари 1 миллиард 512 миллион сўмдан ортиқ маблаг эвазига капитал таъмир ва реконструкциядан чиқарилган. Лекин иш сифатсиз бажарилгани боис таълим масканлари бир йилда яна таъмирталаб аҳволга келиб қолган. Бу борадаги танқидий фикр-мулоҳазаларини журналист ишончли далил-исботлар билан мустаҳкамлаган.

Муқбир қаламга олган мавзу, афсуски, бошқа ҳудудлардаги айрим мактабларга ҳам хосдир. Таъбиркорликка кенг йул очиб берилганига қарамадан, давлат томонидан эзгу мақсад йўлида ажратилган маблағларни илжи бориचा талон-тарож қилиш пайида бўлган қурилиш ташкилотлари ёки кўзбўямачилик билан машғул кимсалар талайгина. Инсоф, диёнатни унутган бундай одамларнинг таъмирдан сўнг бир йил ўтмай, тутдай тўқилиб қолган, қишнинг қорли-қировли кунларида исимайдиган синфхоналарда дилдираб ўтирган болаларни тасаввур этиб, наҳотки виждони уйғонмас?!
Мабруотда айрим муассасиди раҳбарларнинг масъулиятсизлиги ва сансалорлик билан иш юритиши оқибатида келиб чиқаётган муаммолар ҳам қаламга олинаётир. “Адолат” газетасининг 21 июль сониди эълон қилин-

ган “Қачон бошпанали бўламан?...” сарлавхали мақолини бунга нисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги “Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада кўрлаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори кучга кирган мақолада фуқаролар йиғини тизимидаги хато ва камчиликлар очик-ойдин кўрсатиб берилган. Кўпгина маҳаллаларда вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия фаолияти тўлақонли йўлга қўйилмагани алоҳида таъкидланган.

Шуниси муҳимки, маҳаллий нашрларда ҳам ҳудудларда ва турли соҳаларда кўзга ташланаётган муаммолар юзасидан танқидий-таҳлилий материаллар мунтазам равишда бериб бориладилар. Кўтарилаётган мавзулар ҳам анчайин долзарб. Бу борадаги фаоллик Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятлари газеталарида тегишли.

“Сурхон тоғи” газетасининг 26 июль сонидида “Кўзбўямачилик кимга керак?” сарлавхали таҳлилий мақолада коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш билан боғлиқ масалалар қаламга олинди. Ушбу нашрнинг 19 июль сонидида “Суюнчиға қанча бердингиз?” мақолисида тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотларга қарамадан, туғруқхоналарда учраётган нохуш ҳолатлар ҳақида сўз юритилган.

“Самарқандский вестник” газетасининг 15 июль сониди эълон қилинган “Басеяи “Афсона”: стоит ли вкладываться в деньги?”, 22 июлдаги сониди берилган “Нам нужен сад, а не ресторани” каби танқидий мақолаларда алоҳида гавжуи яшайдиган жойларда кимларнингдир бойишга хизмат қилдиган ресторандар, шароити талабга жавоб бермайдиган, аҳоли учун ноқулай бассейнлар қуриш ўрнига кексалар ва болалар учун ёзинг жазирама кунларида жуда ҳам қадри ўтаётган соя-салқин боғлар яратиш ҳақида фикр юритилган.

Эътиборлиси, газетанин그 деярли ҳар бир сониди ана шундай долзарб мавзуларда таҳлилий-танқидий руҳдаги материалларни учратиш мумкин. Мабруотда кўтарилган ҳар бир масала ижтимоий аҳамиятига кўра муҳимдир. Чунки унда кўпчилик манфати кўзлаб, мувоҳада юритилади. Ҳамма гап кўтарилган муаммонинг ижобий ечим топишида, албатта, “Каттақўрғон ҳақиқати” газетасининг 13 июль сонидида “Йул курган элда азиз” сарлавхали мақолада йул қурилишидаги муаммолар, “Жомбой тоғи” газетасининг 29 июль сонидида “Келажакни “қўрган” кутубхоначи” сарлавхали мақолада Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти тасарруфидида кутубхоналарнинг ҳолати танқид қилинган. “Пахтакор овози” газетасининг 21 июль сонидида эълон қилинган “Нозир ўзгарди, аҳвол ўзгардими?” сарлавхали мақолада қабристонларни ободонлаштириш масаласида эътибор қаратилди.

Мониторинг жараёнида ҳудудий нашрларнинг ҳар қачонгидан фаолашиб бораётгани кузатилди. Уларда кўтарилаётган муаммолар турли мавзуларда бўлиши баробарида аҳоли турмуш тарзи учун ўта муҳимлиги билан эътиборни тортиди. Бу ижобий ҳол, албатта, Биринчидан, бу ҳудудий нашрлар кўтарилаётган муаммоларни чуқурроқ таҳлил қилиш имкониятига эга эканини кўрсатади. Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг очиклиги, жамиятда фуқароларнинг фаолалиб бораётгани ҳам бу масалада айнан туман нашрларига катта масъулият юкламоқда. Шу боис ҳам уларда кўтарилган ҳар бир масала ўзининг ҳаётийлиги билан ажралиб туради.

Навоий вилояти ҳоқимлиги нашри бўлган “Знамя дружба” газетасининг 29 сентябрь сониди “В споре за книгу” сарлавхали мақолада чоп этилган бўлиб, унда аҳоли ва ёшларнинг китобга бўлган муносабати таҳлил қилинган. Китоб савоси билан шуғуланаётган бир қатор дўконлардаги мавжуд “ассортимент” ҳақида мулоҳаза юритилди.

Гап шундаки, ушбу мақола орқали мамлакатимизда аҳоли ўртасида китобхонликни кенг тарғиб этиш, жойларда китоб байрамларини самарали ўтказиш долзарб бўлиб турган бир пайтда айрим китоб савдоси билан шуғуланаётган шохобчалардаги аҳвол ҳамон фарибалигича қолаётганини аниқлаш мумкин.

Танқид – келажак меваси. Демак, жамиятнинг юксалиши учун мавжуд муаммо ва камчиликларни яширмай, оммавий ахборот воситалари орқали ошқора ёритиш, уларнинг ечимини топишга жамоатчилик эътиборини қаратиш – давр талаби.

Жорий йилнинг учинчи чорагида Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси қарашли медиавоситалар ор-

қали 200 дан зиёд танқидий-таҳлилий материал эфирга узатилди. Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси ижодкорлари томонидан тайёрланиб, 7 сентябрь кунин эфирга узатилган кўрсатувда Нукус шаҳри деҳқон бозоридида сотилаётган сўт ва сўт маҳсулотларининг сифатсизлиги, бу ерда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича йул қўйлаётган камчиликлар ҳамда уларнинг салбий оқибатлари хусусида мутахассислар билан мулоқот ташкил этилган ва юзга келган аҳвол танқид қилинган. Унда «Қорақалпоқ гўштсувасидо» акциядорлик жамияти раҳбари ўринбосари П.Курбонов, Қорақалпоғистон Республикаси Истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш жамиятлари федерацияси бошлиғи ўринбосари Қ.Бекниязова, Қорақалпоғистон синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси синов комплекси мудири Т.Орузева, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бўлим мудири Б.Сигаев иштирок этиб, юзга келган мазкур муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳақида фикр алмашган.

16 сентябрь кунин эфир юзини кўрган кўрсатувда эса Нукус шаҳрининг 23-кичик туманидаги 3-3, 3-4 тураржойлар учун жавоб берувчи хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан бажарилиши керак бўлган иштиш тизимларини таъмирлаш, биоларнинг ташқи кўринишлари, атроф-муҳитнинг ободонлигини таъминлаш ўрнига турли баҳоналар рўқач қилиниб, масъулиятни ўз бўйнидан соқит қилишга уриниш ҳолатлари хонадон эгалари К.Ешқабдулова, А.Сарсенова, Нукус шаҳри хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати бошлиғи Р.Отабоев, Нукус шаҳри хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раиси А.Қайипова билан олиб борилган очикча суҳбатлар орқали ёритилган.

Бўхоро вилояти телерадиокомпанияси томонидан тайёрланган “Фирибгар ҳисобчи” кўрсатувига қўйиб бартарелларини ишлаб чиқариш ва ўрнатиш билан шуғуланаётган “Hi-tech-bizness” масъулият чекланган жамияти раҳбари ва ўринбосарларининг турли ташкилотлар билан имзоланган шартнома шартларини ўз вақтида бажармагани, ишни тамошлаш учун буржумачилардан кўшимча пул талаб қилгани мисоллар билан очиб берилган. Моҳиятан олиб қаралса, замонавий талаблар даражасида фаолият бошланган “Hi-tech-bizness” масъулият чекланган жамияти каби корхоналар бозор иқтисодийи шариоитида ўз обрўси учун курашиши, миқозлар ортириши, рақобатдош бўлиши талаб этилади. Аҳоли орасида эътибор қозонмай тирбоқ сохта ишларга берилиш, пировазидида миқозларнинг ишончли йўқлиги ҳар қандай корхонани ҳам инқирозга олиб боради. Мазкур кўрсатувда бир корхона мисолида айнан шундай ҳолат кўрсатиб берилган.

Кайд этиш жоизки, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари ассоциацияси таркибидидаги нодавлат телерадиостанциялари томонидан чорак давомида 50 га яқин танқидий-таҳлилий кўрсатув эфирга узатилди. Уларда “Сийсий партилар нима учун керак?”, “Ўзбекистон маҳсулотлари жаҳон бозоридида” “Мажбурий ижро бюросининг вазиғаси нима?” каби саволларга жавоб изланган. “Одамлар орасида”, “Халқдан савол”, “Таъбиркорлардан савол”, “Менин овозим: халқ билан мулоқот” кўрсатувларида ҳам журналистик таҳлилга тортилган долзарб мавзулар юзасидан танқидий мулоҳазалар билдирилган.

Жамият тараққиетида нодавлат оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий-сиёсий жараёндаги муносабати ҳамма шикоятчи ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Бу ўзига хосликни мамлакатимизда электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Бу албатта ахборотнинг очиклиги, демократик принциплар нукта назардан ижобий ҳиддица. Қолаверса, маҳаллий медиа майдонда нодавлат оммавий ахборот воситалари тобора ўз ўрнини топиб, холис минбар сифатида жамиятда фуқароларнинг фаолигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Жорий йилнинг ўтган учинчи чораги давомида оммавий ахборот воситаларида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва иқтисодий ҳаётида руй бераётган муҳим жараёнларни ёритиш, уларни таҳлил қилиш, одамларни ташвишга солаётган кўйлаб муаммолар масалалардан жамоатчиликни хабардор этиш борасида янгица ёндашувга интилиш жамиятимизда журналист сузининг таъсири ошиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги Мониторинг гуруҳи

ПОЙҚАДАМ

Шу нукта назардан қараганда, жорий йил Бобур номидаги халқаро жамоат фонди муассислигида нашр этилаётган “Бобур ва дунё” илмий-маърифий, адабий-бадиий журнали ҳам, муштариолар кўнглидан жой олди.

Ўз йўналиши, мақсади билан катта йўлга чиққан Журналнинг биринчи сони келажакда унинг қанчалик муваффақият қозонишига умид берган бўлса, иккинчи сони ўқишли ва бардавом бўлишига ишонч берди.

Журналнинг илк саҳифаларида Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 август кунин Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувлари маърузасидан олинган фикри чоп этилган бўлиб, унда “*Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойлиқларимиз бор. Ва мен ишонманам, насиб этмаса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади*”, дейилди ва айнан мана шу фикр журналнинг мақсад ва вазиғасини белгилаб берган.

Журнал саҳифаларидаги руқналар “Буюк сиймолар”, “Нукта назар”, “Маънавий илдизлар”, “Ўтмиш сабоқлари”, “Тадқиқот”, “Матншнослик”, “Бобурий маликалар” у янги китоблар ҳақида, мумотоз адабиёт намуналаридан тортиб, бугунги адабий жараёнларга ҳикоя қилади. Журнали рақарқаркансиёз, унинг саҳифаларида бош муҳаррир ўринбосари Ситора Тождинованнинг “Илм излаганга илмдор дунё” номли мақоласи кўзга ташланади. Буюк сиймолар ҳақида ёзилган ушбу мақола ўйлаймизки, ҳеч қимини бефарқ қолдирмайди. Миллий қадрият, эзгу анъаналар, муқад-

дас қадимлар, илмий тадқиқотлар, эътироф ва эътибор, илмий-амалий анжуманлар, шариат минақалари, тилшуносликнинг инжа сирларию, шоҳ ва шоир бобомиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар сулоласи, уларнинг дунё тамаддунига қўшган ҳиссаси ҳақида тарих фанлари номзоди, доцент Жумабой Раҳимовнинг “Амир Темур “Тузуклар”ида адолат ва қудрат мезони” мақоласи, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов билан “Илм ва алаб – инсон зийнати” номли суҳбат, профессор Ҳамидулла филолий бобуришнослар оиласи”, Ваҳоб Раҳмоннинг “Эдлик йил синчиқланган рубоий” номли мақолалари ўқувчиларга билим ва тавақкур сарҳадларини очиб беради. Шунингдек, ёш авлод қалбига ватанга муҳаббат, миллий қадрият ва буюк сиймоларга ҳурмат ҳиссини мустаҳкамлайди, қолаверса, юксак маънавий камолот ва китобхонлик маданиятини шакллантиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, журнал бугунги кунда 2550 нусхадда чоп этилмоқда. Унинг дизайни ўз йўналиши ва мақсад-вазиғасидан келиб чиқиб, тайёрланган. Бироқ ҳали навроста бўлган журнал, келажакда янада такомиллашиб, саҳифалардаги материалларнинг илми-хиллиги ортсиз, дизайн ва бадиий безак жиҳатдан ҳам мукамаллашса, ўйлаймизки, ўзбек матбуотида ўз мавқеи ва мустаҳкам ўрнига эга бўлади. Бу борада тахририят ҳодимларига куч-ғайрат ва муваффақият тилаймиз.

▶ ҲАМКАСБЛАРИМИЗ ИЖОДИДАН

Икки китоб талқини



ЧОРРАҲА

“Чорраҳа” қисса ва ҳикоялар тўплами тажрибали журналист, моҳир ёзувчи Фармон Тошевнинг китобхонларга наватдаги тухфасидир. Ушбу китобдан ўрин олган “Ҳоким” қиссаси, “Ўқилмаган ҳукм”, “Чорраҳа”, “Кечиккан байрам”, “Дўкон” ҳикоялари ҳар бири алоҳида хусусиятга, қаҳрамонлари ўз протопини эга.

Ушбу асарларда инсон таваққурийнинг бесарҳад нуқталари, кўнглининг инжа ва нозик туйғулари, яхшилик ва ёвузлик, инсоф диёнат, меҳр ва қаҳр туйғулари сизу бизнинг орамизда яшаб келаётган оддий қаҳрамонлар мисолида намоён бўлади. Масалан; “Кечиккан байрам” ҳикоясини олайлик. Ёзувчи уни яратиш учун кўрган-кечирган, эшитган, кузатганлар натижасида бугун ижодкорлар олдида турган муҳим бир вазиғани ундай олган. Асарда замонамиз қаҳрамони – шифокор тимсоли, унинг бурч ва мажбуриятлари, қасамига содиқ қолиши ҳақидаги воқеалар ишонарли тарзда акс эттирилган.

Акмак исми шифокор йигит беи йил деганда янги йил байрамиди оиласи даврасида кўнгиш муваффақ бўлади, аммо эшик тақдиратиб келган кишиларга бурчи сабабли йўқ дебмай, катта операцияни ўтказди. Олтишдан ошган одамнинг аёлини ва бу дунёга келтирган илк фарзанди ҳаётини сақлаб қолади ва улар борлиқдаги энг катта байрам – инсонийлик тантанасини нишонлайди.

Ҳикоядаги қувонч итироб, муаммо ечим, ҳолати характерлар, сўз қўллаш, халқ орасидаги иборалардан устамонлик билан фойдаланиш асарнинг ўқувчи онига, қалбига тасирини янада оширган. Фармон Тошев ижоди ўзининг бадиий юксак ифодаси, таъсирчанлиги, ҳаққонийлиги билан китобхонларни ҳаммиса қизиқтириб келган. Шу боис, “Чорраҳа” китобидан ҳам қимдир ўзини топа олишига ишонамиз.

Журналист Тўлқин Расуловнинг “Кампирим кетаман дейди” номли тўплами қисқа хангомалардан иборат. Аллақачон ўнга янги китобларини ўқувчиларга тухфа қилган. Муаллифининг мазкур тўплмида ўрин олган қисқа ҳажвиялари кексалик қувончу ташвишлари, саломатлигу бетоблик, худлас, бир инсон умрининг барча ҳолатларини ўз ичига олган ва ундаги воқеалар ривож мутуойиба орқали талқин этилган.

Т.Расулов ҳаётни узоқ кузатган, кўрган, эшитган, ўзи гувоҳ бўлган ҳолатларига ёзувчи ниҳончи билан боқиб, натижада ён-атрофдагиларга, ёшларга маънавий озуқа, сабоқ бўлиши учун китоб ҳолига келтирган.

Ёзувчи инсон умрининг гултожи бўлган кексалик – унинг ҳаёт тарзи, орзу-истаклари, хатти-ҳаракатларини моҳирона баён этади. Китобини варақларканмиз, қулти остида чуқур итироб, гам-андўз айрим хангомалар ортида эса, катта фалсафа яширин эканлигини англаймиз. Шу боис, ушбу тўплам умрининг донишманд дарида дунё юзини кўргани, бой тажрибалар ён-авлодга ўз сузини айтётганидан севинамиз.

“Кампирим кетаман дейди” хангомалар тўплами китобхонлар кўнглидан жой олишига ишонамиз.

Сабохат СУЛТОНОВА тайёрлади.

Ўзбекистон — Туркия: САМАРАЛИ ТАШРИФ

ШАРХ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдуѓоннинг таклифига кўра шу йилнинг 25-26 октябрь санасида давлат ташрифи билан Туркияда бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг яқин ва узоқ хорж мамлакатларида қилаётган ташрифларини кузатиб борар эканмиз, албатта, ҳар бир ташриф давомида давлатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожланиши янада мустаҳкамланаётганидан, муносабатларнинг янги-янги қирралари очилаётганидан мамнун бўлаёلمиз.

Дарҳақиқат, глобализм шароитида жаҳон билан, хусусан, жаҳон мамлакатлари билан доимий ҳамкорликда, баҳамжihat иш юритган давлат ҳар жihatдан ютиши ҳеч кимга сир эмас. Шу маънода бутун жаҳон аҳли, айниқса, ОАВ Ўзбекистоннинг бугунги ташқи сийосати катта қизиқиш билан кузатиб бормоқда. Хусусан, Президентимизнинг Туркияга ташрифи ҳам бундан истисно эмас. Маълумки, Туркия давлати Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини биринчи бўлиб, 1991 йил 16 декабрдан тан олган. 1992 йил 4 мартда эса икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган. 1996 йилда мамлакатларимиз ўртасида Абдий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган.

2016 йил ноябрда Президент Режеп Таййип Эрдуѓоннинг мамлакатимизга ташрифи Туркия давлати Ўзбекистон билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини намоянда этди. Бинобарин, ушбу давлат раҳбарлари жорий йил 14 майда Пекинда бўлиб ўтган «Бир макон, бир йул» форуми, 10 сентябрда Остона шаҳрида бўлиб ўтган Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича саммити доирасида ҳам учрашиб мулоқот қилдилар.

Айнан мазкур ташрифга қайтсак, Туркия Республикаси Президенти саройида бўлиб ўтган икки давлат раҳбари мулоқотларида асосан Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги сийосий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари алоҳида эътибор қаратилди.


Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлиги ҳар икки тараф учун ҳам манфаатли, албатта. Зеро,

Ўзбекистон бозори, қолаверса, янада эркинлашаётган иқтисодиётимиз, асосийси, юртимизда тадбиркорларга яратилган қулай инвестициявий муҳит Туркия учун муҳим бўлса, унинг ривожланган саноати, транспорт коммуникациялари, денгиз йўллари, қишлоқ хўжалиги ва туризм салоҳияти Ўзбекистон учун фойдалидир. Айниқса, Туркиядаги туризм соҳаси юксак ривожланган бўлиб, хусусан, асримиз бошиқаридан соҳа 10 миллиард доллар даромад келтирган бўлса, 2014 йилга келиб эса хоржий сайёҳлар томонидан давлат хазинасига 34,3 миллиард доллар маблаг келиб тушган.

Икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида ўтказилган музокаралар савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, туризм, илм-фан ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Туркия раҳбари Ражаб Тоййиб Эрдуѓон Тошкент ҳар томонлама стратегик аҳамиятга эга ҳамкор экани, аҳолиси 32 миллиондан бўлган Ўзбекистон табиий газ захираси бўйича дунёда еттинчи ўринда, уран захираси бўйича тўртинчи, пахта етиштириш бўйича олтинчи ва унинг экспорт буйича иккинчи ўринда туришини таъкидлади. Шунга қарамай, икки томонлама иқтисодий муносабатлар кўлами кутулган даражада эмас, 2016 йил якунига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,2 миллиард долларни, жорий йилнинг саккиз ойида эса 900 миллион долларни ташкил қилган.

Музокаралар якунида Президентлар икки мамлакат ҳамкорлигини янги, стратегик босқичга кўтариш мақсадида Қўшма баёнотни имзолашди. Шунингдек, иқтисодий, савдо-сотиқ, саноат, банк-молия, инвестиция, туризм, транспорт-логистика, соғлиқни сақлаш, кадрлар тайёрлаш, мудофаа ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга доир 20 дан зиёд ҳужжатлар қабул қилинди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Таййип Эрдуѓон музокаралар натижасини ҳамкорликдаги музокараларни келтирилган икки мамлакат ҳамкорлигини янги поғона



наларга юксалтиришини таъкидладилар.

Ташриф мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Бош вазир Бинали Йилдирим иштирокида икки мамлакат молия ва ишбилармон доиралари учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон ва Туркия ўртасида имзоланган ҳужжатлар улкан аҳамиятга эга экани қайд этилди. Шунингдек, 26 октябрда Ўзбекистон билан Туркия Президентлари кўрсатмалари ҳамда бош вазирлар директори муносабатлари юзасидан икки томонлама муносабатларни кузатиб бормоқда. Узоқ муддатли икки томонлама муносабатлар асосида ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш ётади. Шахсан мен икки томонлама товар айланмасида Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий манфаатларига алоҳида эътибор қаратаман», — деди Н. Зейбекчи.

Вазир 2017 йил охирига келиб Туркия иқтисодиётининг ўсиши олти фоиздан ошшини эслатди. «Йил охирига келиб, Туркия экспорти ҳам 11-12 фоизга ўсди. Туркия номинал ЯИМ миқдори бўйича дунёда 17-ўринни ва харид қобилияти тенглиги бўйича ҳисобланган ЯИМ катталиги бўйича 13-ўринни эгаллайди. Мамлакатнинг бу йилги кўрсаткичлари мақтовга лойиқ», — деди Зейбекчи.

Шу ўринда Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи жаҳон ва Туркия нашрларида кенг ёритилиб, унга юқори баҳо берилган. Шунингдек, қайд этиш жоиз. Хусусан, «Миллийет» (milliyet.com.tr) номли турк наشري Ўзбекистон Республикаси Президентини раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларни юқори баҳолаб, валюта бозори эркинлаштирилгани, виза олиш тартиби соддалаштирилгани ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш учун қулайликлар яратилганини алоҳида қайд этилди. Очиқ ва амалий руҳда ўтган мулоқотда Ўзбекистон ва Туркиянинг молия ташкилотлари, фирма ва компаниялари ўртасида алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро маҳсулот етказиб бериш ва хизмат кўрсатишини кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилди, томонларни қизиқтирган аниқ лойиҳалар муҳокама қилинди.

«Аналолу» ахборот агентлигининг хабарига кўра, «Туркия Тошкент ва Анкара ўртасидаги муносабатларни керакли даражага олиб чиқишни ўзининг бурчи деб билди», дея таъкидлаган Туркия иқтисодиёт вазирини Нихат Зейбекчи Истанбулдаги Туркия — Ўзбекистон бизнес-форуми очилди.

«Туркия Ўзбекистон билан муносабатларни жуда қадрлайди. Туркия Иқтисодиёт вазирлиги Туркия ва Ўзбекистон Президентлари кўрсатмалари ҳамда бош вазирлар директори муносабатлари юзасидан икки томонлама муносабатларни кузатиб бормоқда. Узоқ муддатли икки томонлама муносабатлар асосида ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш ётади. Шахсан мен икки томонлама товар айланмасида Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий манфаатларига алоҳида эътибор қаратаман», — деди Н. Зейбекчи.

Вазир 2017 йил охирига келиб Туркия иқтисодиётининг ўсиши олти фоиздан ошшини эслатди. «Йил охирига келиб, Туркия экспорти ҳам 11-12 фоизга ўсди. Туркия номинал ЯИМ миқдори бўйича дунёда 17-ўринни ва харид қобилияти тенглиги бўйича ҳисобланган ЯИМ катталиги бўйича 13-ўринни эгаллайди. Мамлакатнинг бу йилги кўрсаткичлари мақтовга лойиқ», — деди Зейбекчи.

Шу ўринда Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи жаҳон ва Туркия нашрларида кенг ёритилиб, унга юқори баҳо берилган. Шунингдек, қайд этиш жоиз. Хусусан, «Миллийет» (milliyet.com.tr) номли турк наشري Ўзбекистон Республикаси Президентини раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларни юқори баҳолаб, валюта бозори эркинлаштирилгани, виза олиш тартиби соддалаштирилгани ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш учун қулайликлар яратилганини алоҳида қайд этилди. Очиқ ва амалий руҳда ўтган мулоқотда Ўзбекистон ва Туркиянинг молия ташкилотлари, фирма ва компаниялари ўртасида алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро маҳсулот етказиб бериш ва хизмат кўрсатишини кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилди, томонларни қизиқтирган аниқ лойиҳалар муҳокама қилинди.

Албатта, кўплаб ахборот агентликлари ва нашрлар, интернет сайтлари томонидан қайд этилган бу каби эътирофларда асло муболага йўқ. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасида давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлигини эртанги истиқболларини белгилаб, шу билан бирга — икки қардош халқ дўстлиги мустаҳкамлашида янги босқич бўлиб, Ўзбекистон ва Туркия раънақиға хизмат қилади.

каси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга давлат ташрифи тарихий аҳамиятга эга бўлиб, Анкара ва Тошкент ўртасидаги ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга хизмат қилишини қайд этган.

«Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини бажаришга қарийб бир йил олдин киришди. Халқаро кузатувчилар хулосасига кўра, Ўзбекистон сўнги 10 йил давомида Марказий Осиё ҳамда Евроосиёнинг энг жадал ривожланаётган давлатига айланди, аҳоли жон бошига ялли ички маҳсулотини шиддатли суръатларда ўсади», деди Туркиянинг Каппадокия университетининг профессор Хасан Али Қарасар «Аналолу» агентлигига берган интервьюсида. Экспертнинг фикрича, икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳозиргача кутулган даражада эмас, лекин давлат раҳбарлари бунга эришиш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Профессор икки мамлакат ўртасида нафақат ўзаро товар айирбошлаш ҳажминини ошириш, балки туризм, қишлоқ хўжалиги, тоғ-кон саноати ва авиация соҳаларида ҳам ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган ишлар режаси атрафлича ишлаб чиқилганини қайд этган. «Шунинг учун Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга давлат ташрифи катта аҳамият касб этади, ле олам-ман. Бу ташрифини тарихий деб ҳисоблаймиз, зеро, у ўзаро муносабатларнинг келгуси 5-10 йиллик истиқболларини белгилаб берди», деган Хасан Али Қарасар.

Албатта, кўплаб ахборот агентликлари ва нашрлар, интернет сайтлари томонидан қайд этилган бу каби эътирофларда асло муболага йўқ. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасида давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлигини эртанги истиқболларини белгилаб, шу билан бирга — икки қардош халқ дўстлиги мустаҳкамлашида янги босқич бўлиб, Ўзбекистон ва Туркия раънақиға хизмат қилади.

Абдумажид АЗИМОВ

БУ ТУРФА ОЛАМ

ЕЛГИЗ ҲОЛДА ОВҚАТЛАНИШ ЗАРАРЛИ

Жанубий Кореялик олимлар жамоаси инсоннинг овқатланиши, метаболик синдром хавфини ошириб, қоринда ёғ тўпланишига сабаб бўлади деган фикрга келишди.

Мутахассисларнинг тадқиқотларида 7752 киши қатнашди ва респондентнинг ёлғиз ўзи қандай овқатланаётгани ўрганилди. Клиник статистикага мувофиқ, ёлғиз овқатланиш ҳурандани метаболик синдромга олиб келиши ва қорин бўшлиғи атрофида ёғнинг кўпайиши эҳтимolini кўчайтирар экан.

Эраклар кун давомида камда икки марта овқат истеъмол қилганда, синдром пайдо бўлиши эҳтимולי 64 фоиздан кўпроқ, аёлларда эса бу кўрсаткич 29 фоизни ташкил этди. Кўринадики, эракларда семириш хавфи 45 фоизга кўпроқ. «Ушбу натижалар фақат метаболик синдромнинг бошланишига таъсир этадиган омил бўлиши мумкин» — дейилади, маълум.



ҲИНД ИШБИЛАРМОНИНИНГ САХОВАТИ

Ҳиндистонлик тадбиркор Житендра Пател кенжа ўғли Равиннинг тўйига 18 минг қашшоқ тул аёлни таклиф қилди. Унда ҳар бир бева аёл кўвнинг отасидан дарахт қўчати ҳамда битта одеял совға олди.

Тантанали маросим қадимий ибодатхоналари билан машҳур бўлган Гужарот штати Химматнагар шаҳри яқинидаги Дерол қишлоғида бўлиб ўтди.

Ўз мамлакатда таникли бўлган Пателнинг бева аёлларга тўйга таклифнома юбориши маълум маънода эски ақидаларни инкор этиш демокдир. «Жамият томонидан рад этилган тул аёллар бидан бир марҳаматга эга бўлишларини хоҳлардим. Уларнинг тўй ва байрамларда иштирок этиши яхшимасдир, аммо бу фақат хурофотдан бошқа нарса эмас», дея таъкидлади у.

Ҳар бир тул аёл кўвнинг отасидан боғиға экиш шарти билан дарахт қўчатини ва одеялни олди. Бундан ташқари, Пател камбағал оилаларга 500 та соғин сийғирнинг пулини совға қилди.

Ун тўққизинчи асрга келиб Ҳиндистонда эри ўлган аёлларни тириклай ёқиш одати деярли йўқ бўлган бўлса-да, улар бугун ҳам жамиятдан ташқарида қолиб кетмоқда. Айни кунда «тул аёлнинг сояси ҳам бахтсизлик келтиради» деган ақида кишилар онғида сақланиб қолган. Шу боис, улар тўйларга таклиф қилинмайди ва улар билан мулоқотдан ҳам қочилади. Кўплаб қишлоқ жамоаларида эри ўлган аёл деярли «тирик мурда» деб ҳисобланади. Бева аёллар оқ мотам сарисини кийиб юриши лозим ва уларга тақинчоқлар тақий, пойабзал кийиши, сочларини ўстириши ҳамда жамоат тадбирларида иштирок этиш тақиқланади.



ТЎТИКУШ «СОТИБ КЎЙДИ»

Яқинда Қувалда галати воқеа рўй бердики, бундан ҳўқуқ-тартибот органлари ҳодимлари таяжшоуба тушиб қолишди.

Қувалда тўтикуш уй бекасига бевафот турмуш ўртоғининг сарғузашлари ҳақида гапириб берди. Хонадон хўжайини ўз чўриси билан ишқий муносабатга киришган. Унинг маъшўқасига айтаётган ёқимли сўзларини тўтикуш ёдлаб олган ва уй бекасига тақдорлаган.

Бундан шўбухаланган аёл зудлик билан полицияға эрининг устидан шикоят қилди. Маълумки, Қувалда хиёнаткорлар учун каттик жазо тайинланган. Бироқ суд хайъати тўтикушнинг гувоҳлигини далил сифатида қўриб чиқидан бош тортиди. Бу кушининг телевиденида бундай ибораларни эшитиши мумкинлиги ҳақида ишора қилди.

Бундан аввалроқ, Ҳиндистонда полиция икки йил давомида кекса аёлни мунтазам равишда ҳақорат қилиб келган тўтикушини қўлга олган эди.



СЕЛФИНИНГ ТАФАККУРГА ТАЪСИРИ

Бугун селфи ҳар қандай касб эгаларини ўзиға жалб қилгани боис психологлар бу борада бир қатор тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Канадалик психологлар селфиға қизиқиб билдирган 19-29 ёшдаги 259 нафар аёлни ўрганишди. Иزلанишлар шўни кўрсатдики, селфиға тушган қизлар бўлса, селфиғади расмларни таҳрир қилганларидан сўнг ўз киёфаларидан қоникмаслик ҳолати юз берган.

Олимлар селфиға ҳаддан ортиқ берилиш одамда ўз гўзаллигиға тўғри баҳо бериш лаёқатини йўқотиб, «нарцисизм»ни келтириб чиқаради, деб ҳисоблашмоқда. Селфи инсонда ўзини буюк деб ҳис этиш тасаввурини сезиларли даражада ўсишига олиб келади. Бунинг таҳрибада иштирок этган талабаларнинг фикрларидан билиш мумкин. Чўнки улар ўзгаларнинг суратларини яхши баҳоламаган ҳолда, ўзларининг расмларини жозибали деб топдилар. Доимий селфиға тушиш амалиётда шўни кўрсатдики, ўз фотоларини суратға олаётганлар ҳақиқий ҳаётида ўзларининг аслида қандай эканликларини ҳақиқати тасаввурини йўқотадилар.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.



ЖУҒРОФИЙ САЁҲАТ

Айни пайтда Ер юзида нечта тил муомаллада эканини ҳеч ким аниқ айта олмайди. Бунинг сабаби — буйиқ тиллар вақт ўтган сари ўз умрини яшаб, «ўлик» тилларга айланишидир. Таҳминий ҳисоб-китобларға кўра, ҳозир дунё аҳолиси 7000 га яқин тилда сўзлашади. Баъзи тиллар шу қадар кенг тарқалганки, ўнлаб мамлакатларда давлат тили мақомига эга, яна баъзи тиллар шу даражаға келиб қолганки, уларни санокки кишиларгина билади...

Мана шу жиҳатлари билан тиллар олами — ниҳоятда жозибали, қизиқарли, шунингдек, кишини ўйға толдирадиган оламдир.

Бу гали саёҳатимизни муайян мамлакатта эмас, тиллар оламиға уюштирар эканмиз, у сизни ўзиға мафтун этиши билан бирга, мулоҳазаға ҳам чорлайди, деб умид қиламиз.


Ер юзида тарқалиши бўйича, агар сўзлашувчи мамлакатлар миқдорини оладиган бўлсак, испан тили пешқадам ҳисобланади. Бу тил дунёнинг 58 та мамлакатида давлат тили ёки расмий тил мақомига эга. У билан фақат инглиз ва араб тиллари баҳслаша олиши мумкин. Яъни инглиз тили жаҳоннинг 50 дан зиёд давлатида шундай мақомга эга бўлса, араб тилида сўзлашувчи мам-

лакатлар сони 40 дан ошди. Шундан 25 мамлакатда у давлат тили ёки расмий тил, 15 дан зиёд ўлкада эса кенг тарқалган тиллардандир.

Қитъалар бўйича олганда эса, инглиз, француз, испан ва португал тилларига етидиган тиллар йўқ. Инглиз ва француз тиллари инсоният муқим яшаيدиган барча қитъаларда тарқалган бўлса, португал тили Европа, Африка ва Америка қитъаларида, испан тили эса Европа ва Америка қитъаларида ёйилган. Араб тилида сўзлашувчи мамлакатлар эса фақат Осиё ва Африка қитъаларида жойлашган.

Энди давлатлар эмас, сўзлашувчи кишилар миқдорини оладиган бўлсак, яқна пешқадам, шубҳасиз, хитой тили ҳисобланади. Бу тил Хитой

ТИЛЛАР ОЛАМИДА



Халқ Республикаси, Сингапур, давлатларининг расмий тилдир. Шунингдек, Филиппин, Малайзия, Индонезия, Таиланд, Вьетнам, Камбожада кенг тарқалган. Унда сўзлашувчилар сони бир миллиард уш юз миллиондан ошди.

Деярли бир миллиарддан зиёд нафар сўзлашувчилар сони билан инглиз тили иккинчи ўринни эгаллаб турган бўлса, испан тилининг Ер юзида 470 миллион киши она тилим деб ҳисоблайди. Шунингдек, яна ўш миллионлаб кишилар унда сўзлаша олади.

Ҳиндий тилини 500 миллион атрафодаги киши она тили ҳисоблайди (Ҳиндистон аҳолисининг 41 фоизи). Бу мамлакатда 450 га яқин тил ва 1500

дан зиёд шева бўлиб, 22 тил мамлакатининг расмий тиллари ҳисобланади.

Араб тили бу борада бешинчи кўрсаткичға эга. Унинг сўзлашувчилари сони, 2016 йилги маълумотларға кўра тўрт юз миллионға яқин. Шунингдек, португал, индонез, япон, урду, бенгал, немис, рус тиллари ҳам гаплашувчилар миқдори бўйича олдинги ўринларни эгаллайди.

Шу ўринда ўзбек тили ҳақида ҳам қизиқарли эътибор қилиб қўймоқчи кишилар келтириб ўтсак.

Дунёдаги энг қадимий ва бой тиллардан бири деб тан олинган ўзбек тили ҳам Ер юзиде тарқалиш ва сўзлашувчилар миқдори жиҳатидан пеш-

қалам тиллардан бири ҳисобланади.

У Ўзбекистондан ташқари Афғонистон, Қозғонистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркия, Хитой, Саудия Арабистони, Россия каби мамлакатларда кенг тарқалган. Она диёримизда давлат тили мақомига эга бўлса, Афғонистонда расмий тиллардан бири ҳисобланади.

Сўзлашувчилар сони 40 миллиондан ошди. Шундан: Ўзбекистон Республикасида 30 миллиондан зиёд, Афғонистон Ислоҳ Республикасида 4 миллион атрафода, Тожикистонда салкам 2 миллион, Қирғизистонда 1 миллиондан зиёд, Қозғонистонда 600 мингдан ортиқ, Туркманистонда 500 минг атрафида, Россия Федерациясида 300 мингдан зиёд ва ҳоказо.

Ўзбек тилини ўрганиш, кейинги чорақ асрда кенг оммалашди. Айни пайтда АҚШ, Жанубий Корея, Россия, Япония каби ривожланган мамлакатлар олий ўқув юрларида ўзбек тили ўрганилмоқда.

Интернет манбалари асосида Хусния ЖУМАОЕВА тайёрлади.

ЭЪЛОНЛАР
Тошкент кимё технологиялари институти томонидан 2012 йилда Исқанов Дилшод Сунонович номига берилган В № 572862 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
“Gross Insurance” МЧЖга тегишли бўлган А4 форматдаги №034036, 036287 ва 038957 серияли сугурта полислари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан 1993 йил 10 апрелда Исқанова Анжир Азизовнага берилган УВ-1 №074238 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектлариға давлат хизматлари кўрсатиш Ягона дларча марказидан №001003-09 реестри билан рўйхатдан ўтган “Akbar Best Techno” хусусий корпорациясидан тугатилганлигини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.
Детский сад №3 “Дельфинчик” требуется провести текущий ремонт системы отопления на сумму 90.0 млн. сумов. Обращаться по тел: 239-46-20 Адрес Шайхонтоҳурский район, ул Анкор буйи, 0-5.

ТОШКЕНТ — НОН ШАХРИ

ЎТМИШ САҲИФАЛАРИДАН

Шонли ўтмиши, фарзандлари барпо этган бебаҳо маънавий хазинаси, гўзал мезморий обидалари билан такрорланмас қиёфа касб этган ўзбек халқи инсоният тарихининг муайян даврларида, айниқса, одамзод бошига тушган оғир кунларда инсонийлик бобида ҳам ўзини намоён этди, муҳтожларни қўллаш йўлида ҳар қандай оғир юкни кўтаришга қодирлигини исботлади.

Пойтахтимизда турли ҳайкаллар қад кўтарган. Улардан бири Мехр ҳайкали бўлиб кўринади. Мехр ҳайкали пойида, беихтиёр, Иккинчи жаҳон уруши йиллари эсимизга тушади. Муайян кунларда ҳайкал пойига гулдасталар кўйилади.

Айтмоқчи, нега муайян кунлардагина машғум йилларни, машғум йилларга боглиқ воқеаларни эслаймиз? Ота-боболаримизнинг инсониятга ибрат бўлгучи мардонавор ҳаракатлари, ҳаёт йўллари акс этган асарлар муайян кунлардагина эмас, ҳар доим хаёлимизда бўлиши лозим эмасми?

Бугунги дориламон кунларга осонликча етиб келганимиз, тинчлик ва фаровон ҳаётимиз ўз-ўзидан бўлмаётгани, шу қаторда, қандай халқ фарзанди эканлигини ҳамини ёдда тутишимиз, шунга муносиб амал қилишимиз учун ажодларимизнинг ибратли ҳаёт йўлларига ҳар доим назар солишимизни, уларнинг Мехр ҳайкали олдига таъзим бажо келтириб туришимизни муҳим деб ўйлаймиз.

...Қонли жанг майдонларида ҳаёт-мамат учун кураш авж олмақда. Қаровсиз қолган гўдакларни ўлим ва муҳтожлик балосидан қўтқариш масаласи ечимини кутяпти. Уруш аланга олган гарбий районлардан аёллар, қаришлар, шу қаторда таниқли зиёлиларни Шарққа эвакуация қилиш амалга оширилмоқда.

Дўст оғир дамда билинади, деганларидек, уруш фафосини чеккан, Ўзбекистонга кўчириб келтирилган рус, украин, белорус ва бошқа миллатларга мансуб турли ёшдаги аҳоли оғир кунларда ўзбекининг қай даражада бағрикенглигини юракдан ҳис этди.

Аскарларимиз фронтга отланмоқда. "Йигитларни фронтга жўнатиш", "Шарқдан Фарбга кетаётган дўстга" каби шеърлар ёзган Ҳамид Олимжон урушининг дастлабки ойларида, эвакуация қилинганлар орасида адабиёт ва санъат арбоблари ҳам борлиги боис, туну кунини вокзалда поезд кутти билан ўтказарди. Тошкент кўп миллатли адабиётнинг катта марказига айланган эди.

Юртимизда панож топанлар том маънодаги Мехр ва Шафқатни, Дўстлик ва Мухаббатни Тошкент тимсолида кашф этдилар.

Кийим-кечак, қанд-шаркар, мева-чева ортилган эшелонлар Россияга жўнатиб турилган

бўлса, у ердан Тошкентга келётган поездлар ота-онаси, бошпанаси, болалик эртакларини бегубор онларини йўқотган етим-есирларга тўла эди. Тошкентнинг ярим миллион нафар аҳолиси ярим йил ичида бир миллионга етди.

Фафур Фулом қадби ўксикларга "Сен етим эмассан!" деб хитоб қилар экан, меҳру шафқат, ҳарорат, жасорат ва олижаноблик аслида қандай бўлишини ёрқин ифода этди.

Оиласини йўқотган болалар орасида Дия (Долорес) исмли қизалоқ ҳам бор эди. У ҳам шу ерда, ўзбек заминиде, "ўз уйингдасан", деган меҳрга тўла, муҳаббатга тўла садони эшитди. Ўз оиласини, меҳрибон ота-онасини топгандай бўлди.

Болалик давридаги даҳшатли воқеаларни эслаб:

— Не азоблар билан Тошкент вокзалига етиб келганимиз билсангиз эди, — дея оғир хўрсинади Долорес момо.

— Поезддан тушлик. Етимхоналар тўла экан. Бизни Ўзбекистоннинг турли гўшаларига юборишди. Мен бир муддат Бухоро вилоятидеги болалар уйида яшадим, кейин қисмат Наманганга етаклади. Кумри ая деган жаннатга аёлга дуч келдим. Намозшом эди. Фону с ёруғида мента оналик меҳри билан қараган бир аёлнинг юз-кўзи кўринди. Бомбардимон кўрбони бўлган онажоним кўз олдимида жонланди. Йўқ, у тирик. Кўзлари чарақлаб турибди! Аёлнинг қаттираб турган кўллари бошимни силади-ю, бутун вужудимда алақандай хузурбахш ҳаяжонни ҳис этдим. "Ойижон!" деб қандай бўйнига осилганимни билмай қолдим.

Мехрилар ўзбек аёли... Эри урушда жон олиб-жон бераяпти. Фронт ортида эса "Нон, нон" деб жон таслим этаётганлар талая. Болаларини очлик балосидан қутқариш учун меҳнат қилиши керак. Меҳнат... Машаққатли меҳнат эвазига топган бир бурда нонини эса... ким билан баҳам кўрмоқчи бу ҳиммат баланд? Кучоқ очиб тагин қимларни бола қилиб олмақчи?

Эшелонларнинг охири кўринмаётгандек...

Яна қанча кишилар бошига бошпана бера оласизлар, деб сўралганда, қанча зарур бўлса, шунча кишини бағримизга оламыз, деб жавоб беради бағрини кенг ўзбек.

Етимпарварликнинг олий намунаси Шомхўмудовлар оиласида қандай бўй кўрсатгани ўтган асрнинг қирқинчи йилларида оқ ҳаммага маълум



бўлди. Тошкентлик чилангар Шомхўмудов ва турмуш ўртоғи Баҳри Ақромова ўн тўрт етимнинг бошини силаб, бағрига сиғдира олди.

Турли миллатга мансуб шунча болани фарзандликка қабул қилган бу хонадонга бағишлаб атоқли адабимиз Раҳмат Файзий "Ҳазрати инсон" романини ёзди. Ана, Маҳкам ака (Шомхўмудов ака) болалар уйига боляпти. Ундан сўрайди: "Ўғил бола олмақчиси сиз ё қиз болами? Ёшроқ бўлсинми ё э-лироғими?"

Нима, бола танлаши керакми? У мол бозорига келмади, инсон боласини сўроқлаб келди!

Йўқ, танлайди. Энг нимжон, энг ҳоли хароб болани бола қилиб олади.

Кўчаларда тиланчилик қилиб юрган Сарсанбай, ўққа тутинганлар орасида тирик қолган Абрам, вокзалда сингли Несия алаштириб қўйган Остап... Яна Нарика, Сапа, Лёша, Галя, Ренат, Дэдра ва бошқалар.

Турли жойлардан Маҳкам акалар бағрига кириб келган норасидалар, исмларидан маълум бўлиб турибди, турли миллат ва эллик мансуб шахсларнинг зурияти. Одамийлик дини, инсонийлик таомили бир ҳолда уларни бирлаштирди.

Кейинчалик "Ҳазрати инсон" асосида "Сен етим эмассан" кинофильми яратилди, нафақат юртимиз, балки жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида намойиш этилди. Унда чинакам инсонийлик мавзуси ўз мукаммал ифодасини топган. Бу фильм авлодлар тарбиясида бебаҳо аҳамият касб этди.

— Ўн тўрт нафардан икки қиз ва бир ўғил қолдик, холос, — дейди Шомхўмудовлар асраб олган фарзандлардан бири Хулида она (унинг асл исми Олга). — Акам Краснодарда яшайди...

Сулала давомчиларидан бири Тоҳир Шомхўмудовга юз тутамиз. У хонадон тўнғичининг ўғли, яъни Шомхўмудов аканинг невараси.

— Эваралар катта боболари ва бувилари номи билан фахрланиди, — дейди тубасум билан Тоҳир ака. — Бобом ва бувим асраб олганларнинг кўпчи-

лиги оламдан ўтган бўлса-да, уларнинг фарзанд ва набиралари билан алоқамиз. Турли жойларда яшасак-да, бир-биримизни, айниқса, ҳаёт куллари йўқлаб, меҳр ва оқибатнинг қанда бўлишига йўл қўймаймиз.

Холида опа (Олга Шомхўмудова) уруш даврини, шу хонадонда ўтган болалик давлари юраги энтиқиб эслайди. Ота бағрини, она меҳрини кўсар экан, "адамлар, ойим бола олмақчиси сиз ё қиз болами?" дейди-ю, кўзига ёш олади. Гўё унинг отасидай ота, онасидай она йўқ эди дунёда.

— 1978 йили шу ойлага келин бўлиб тушганимда қайнонам — падаримиз Шомхўмудов ака оламдан ўтган эдилар, — дейди Жамила Шомхўмудова. — Қайнонам сиймосида онам суратини кўрдим. Боланинг бе-гонаси бўлмади, деб уруш йиллари қалби ўксикларга фавқулодда меҳрибонлик кўрсатган Баҳри аянинг хонадонига тутишим-у, меҳридан бахраманд бўлишимдан, шундай улуғ зот билан энди она-болалигимдан бошим осмонда эди.

Ўша даврда Тошкент кўп миллатли адабиётнинг марказига айланган тўғрисиде таъкиллаб ўтдик. Муррак қалб жаноҳларига малҳам бўлиб, инсон қадри ва иззатини юксакликка кўтарган Шомхўмудов ака ва Баҳри аяларнинг олижаноблиги Тошкентда вақтинча истиқомат қилган Владимир Луговский, Николай Ушаков, Якуб Колас, Эди Огнецвет, Анна Ахматова ва бошқа машҳур адилларнинг ҳам қалбини тўлқинлантириб, янги-янги асарлар яратилишига сабаб бўлди.

Ҳа, бу мавзу кўп ёритилди. Бироқ бугунги авлод Шомхўмудовлар ҳақидаги энг олий инсоний туйғуларга лиммо-лим меҳр дostonидан керакли даражада хабардорми? Тошкентнинг нон шаҳри, тинчлик шаҳри, дўстлик шаҳри дейимиз. Унинг, айни чога, Мехр шаҳри эканини биламизми?

— Миллий қадриятгина одамларни буюк дўстлик сари қорлаб, қалб ва тафаккурга сadoқат ва жасорат туйғусини ҳада этади, одамийлиқни улуг-лашта имкон яратаети, — дер эди шоира Анна Ахматова. — Инсонпарварликнинг юксак даражаси Шомхўмудов ота ва Баҳ-

ри аяларнинг қонидамасиди? Дунё остин-устун бўлаётган бир паллада шу қалар меҳрга зор норасидани яхши инсонлар қилиб етиштирилган бу икки зотни энг улуг Ота ва энг улуг Она дегимиз келмайдими?!

Эвакуация қилинган болалар орасида Ўзбекистонга келган, меҳр деган туйғунинг нақадар ҳаётбахшилигини шу заминда англаган Долорес хонимнинг вужуди ҳам миннатдорлик ҳиссига лиммо-лим.

— Бошқа ўлкада туғилдим, лекин Ўзбекистон — менинг Ватаним, — дейди у. — Ўзбекистон — ягона Ватаним! Мен Анна Ахматованинг Шомхўмудов ота ва Баҳри ая ҳақидаги фикрига қўшиламан — уллар ҳақиқатан энг улуг Ота ва энг улуг Она! Икки улуг ватандошимнинг уруш йилларидаги қўрсатган фидойиллиги бугунги осойишта даврдан ҳам барчага ибрат.

Рус аёли Антонина Павлова Хлебущкина Тошкентдаги 22-болалар уйида кўп йиллар директор бўлиб ишлаган. Шундай қалби дарё инсонга ҳам ҳар томонлама ўрнак Шомхўмудов ота ва Баҳри аяларнинг инсонпарварлик санъати бўлганлигига замондошлари гувоҳ.

...Қанийди, пуш тойчоқларга ўзим тақа бўла олсам, дер экан умри темирчилик билан урган Шомхўмудов ота, гурс-гурс босган қадамларнинг овози қулқуларимга кириб ўтди.

Бировнинг боласини ҳам шу даражада яхши кўрадимми инсон?

Эркалас баробарида Баҳри ая ноҳўя иш қилиб қўйган болаларни уришарди. Ўз болаларини уришгандай уришарди титраб-қақшаб. Болалар эса онаизор қалбининг қат-қатидаги меҳрни англашарди, бу қаттиқ сўзлардан. Меҳрни! Ҳатто ўз фарзандига меҳр бера олмаган аёлларни ҳам биларди-да, уллар.

Э-ҳа, қимларни мафтун этмади, ўзбекининг инсон фарзандига бўлган сadoқати, оғир замонларда кўрсатган жасорати.

Гурс-гурс қадамлар товущи эшитилгани бамисоли. Ўзбек бағрикенглиги, улугворлиги ва олиҳимматлигини ифода этувчи улкан МЕҲР ҳайкалида юраклар уряпти.

Муҳаммад ШОДИЙ

БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

— Маълумки, автомобиль бошқариш учун талаб қилинадиган ишончнома яқин қариндошлар ўртасида тузилганида маълум бир тўлов тўланади. Аммо жаҳон тажрибасини кузатиб, бу ҳолатда ҳеч қандай тўлов назарда тутилганига гувоҳ бўлдим. Бизда ҳам қариндошлар ўртасида тузилган ишончномаларни бепул қилишнинг иложи борми? Чилонзор туманидан С.Файзиев

— Қонун ҳужжатлари лойиҳалари миллий ва хорижий тажрибани таҳлил қилган ҳолда ишлаб чиқилади. Хорижий тажриба шуни қўрсатмоқдаки, автомобилотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳуқуқи билан ишончномаларни тасдиқлаганлик учун давлат божи ундиришда ҳар хил амалиёт мавжуд. Масалан, Россия Федерациясиде бундай турдаги ишончномаларни нотариал тасдиқлаш назарда тутилмаган. Бирок, Украина, Беларусь, Тожикистон, Озарбайжон, Қозоғистон ва бошқа давлатларда бундай турдаги ишончномаларни тасдиқлаганлик учун яқин қариндошларга (имтиёзли) ва бегона шахсларга алоҳида миқдорларда давлат божи ундирилиши белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрда 533-сон қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларида ҳам ота-оналар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари, болалар ва уларнинг эр-хотинлари, ака-укалар, опа-сингиллар, набиралар, жиянларга автомобилотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни тасдиқлаганлик учун имтиёзли миқдорларда, яъни энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари (149 775 сўм) миқдориде, автомобилотранспорт воситаларидан бошқа шахсларнинг фойдаланиши ҳуқуқини берувчи ишончномаларни тасдиқлаганлик учун эса энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари (748 875 сўм) миқдориде давлат божи ундирилиши белгиланган.

Сизнинг бундай турдаги ишончномаларни яқин қариндошлар ўртасида тасдиқлаганлик учун давлат божидан озод қилиш ҳақидаги тақлифларнинг келгусиде норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

— Мен квартира сотиб олаётганимда уй эгасига закат бердим. Бу ҳақда нотариал тасдиқлатиш учун нотариусга берганимда у бундай келишувни тасдиқлашдан бош тортди. Нотариуснинг ҳаракати тўғрими? Занғиота туманидан М.Ақрамова

— Фуқаролик кодексининг 311-моддасига асосан шартнома тузаётган тарафлардан бири шартнома тузилганлигини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан берадиган пул суммаси закатлаб ҳисобланади.

Закат тўғрисидаги келишув закатнинг суммасидан қатъи назар, ёзма равишда тузилиши керак.

Нотариуслар қонун ҳужжатларига биноан нотариал шаклда тасдиқлашни мажбурий қилиб қўйилган битимларни тасдиқлайди. Томонларнинг хоҳишига кўра нотариус бошқа битимларни ҳам тасдиқлаши мумкин.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этилган тақдирда нотариал ҳаракатни амалга оширишнинг рад этиш ҳақида нотариус мурожаат қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмасдан қарор чиқаради. Нотариус нотариал ҳаракатни амалга ошириш тўғрисидаги мурожаати рад этилган шахсининг илтимосига биноан рад этиш сабабини ёзма равишда баён этиши ва рад этиш устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириб бериши лозим.

Агар нотариус нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш тўғрисида қарор чиқармасдан нотариал ҳаракатни расмийлаштиришдан асоссиз равишда бош тортса, Адлия вазирлигининг "1-008" рақамли ишонч телефониға ёки бевосита мурожаат қилишнинг мумкин. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни асоссиз рад этган нотариусларга нисбатан қатъий чоралар кўрилади.

Саволларға Адлия вазирлиги Нотариат, адвокатура ва ФХДЭ органлари бошқармаси бошлиғи Дилбaҳор ЯКУБОВА жаваб берди.

ОЧИҚ ГАП

Ўзинг ҳурмат қиладиган инсонни хунук бир ахволда кўришдан ҳам аянчлироқ ҳолат бўлмаса керак. Агар у аёл киши бўлса, икки карра оғир... Яқинда шундай бўлди. Мен ҳурмат қиладиган, жамиятда ўз ўрнига эга бўлган бир опaxonни тасодифан, маст ҳолатда кўриб қолдим. У жамоат жойда бир ўспирин билан чунонам сўкишар, атрофдагилар уларни кузатиб турар эдики, кошчи унинг оғзидан чиқаётган сўзларни эшитмасам, кошчи унинг шу ҳолатини кўрмасам, деган истак хаёлимдан ўтди. Афсусларлиси шундаки, мен ҳаётда ўзим ҳурмат қиладиган бир инсонни маънан йўқотган эдим.



Провга ундай қилма, бундай қил, дейиш мантиқсиздай. Аммо неча минг йиллик тарихга эга бўлган маънавий меросимиз-чи? Аёлни улуглаб ёзишда бола сара асарларимиз-чи. Ўзбек аёлининг Офтобо-

им, Кумушбиби, Раъно сингари покиза сиймоалари бугуннинг аёлларига, қизларига наҳот бир чўпчакдек туюладиган бўлиб қолган бўлса. Наҳотки, асрларнинг қийин синовларидан виқор билан ўтиб келган ўзбек аёлининг нурли сиймосига, жаҳон халқлари учун юксак эҳтиром тимсоли бўлиб келган, юзлаб даҳларни дунёга келтириб, тарбиялаб берган ўзбек аёли бўлганига бугунги энгил ҳаёт, тўқсизлик замонида путур етказилса.

бошқалар ҳам истироҳат қилаётганини мутлоқ унутиб шангилашда давом этади. Одатда, бунақа хурмача қилиқлар гаштакбоз дугоналардан чиқеди. Гап-гаштак баҳонасида жамиятда бир дунё хурофот урчиди ишлаган бир танишимнинг айтишича, аксарият гаштакбоз дугоналарнинг эрлари узоқ ўлкаларда бола-чакам деб жонини жабборга бериб ишлаб юрган ёки аёлининг зулмидан, совуқ муомаласидан беэиз бош олиб кетган бўлиб чиқар экан.

Бу тоифанинг бу қалар ўзини эркин ҳис этмоғига сизу бизнинг бепарволлигимиз ва тинчмислиги тилганимиз ҳам сабаб эмасмикин?

Яқинда бир туппа-тузук зиёли одам, аёл кишини мақтар экан: "Палончи-хон — ҳақиқий эркак, аёлларнинг эркак", — деб қолди. Мен бундай таъ-

рифдан сесканиб кетдим ва "Жуда кўпол ҳазил қилди, ана энди, жанжал чиқади," — деган хаёл билан, турмуш ташвишларидан бирозгина дағаллашиб, аёллик малохатини олдириб қўйган аёлга зимдан қарадим. Қаёқда? Унга бу гап сариеғдай ёқиб тушганидан нотикнинг товущидаги ошқора истеҳзони ҳам илгамас, лоқайд юзларига эркакча дағал табассумни тўдириб илжарди.

Мен буларни қоғозга туширарканман, бироз ошириб юбордимми деган фикр хаёлимдан кечди ва шу масалда нозик жинс вакилларининг фикри билан қизикдим.

Нилуфар Ҳасанова, 21 ёш, талаба: — Аёл киши ичса, ифратини йўқотеди. Аёл организми нозик бўлгани учун, спиртли ичимликларга бардош беролмайди. Баъзан ичиб, ўзини идора этмай юрган аёлларни

Ориф ҲОЖИ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

АЙТШГА ТИЛ БОРМАЙДИ, АММО...

АТОҚЛИ ДАВЛАТ АРБОБИ ВА ЁЗУВЧИ ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

Ўтган асрнинг 80-йилларида, (Москва телевидениесининг мухбири бўлиб ишлаётган давримда), ўн беш давлатни ўз таркибида бирлаштирган собиқ Совет Иттифоқи тарихидаги қарийб 70 йиллик ўтмиш инкор этилиб, миллий уйғониш даври бошланди. Социалистик давлатлар, Болтиқбўйи, Кавказорти республикалари халқлари очикчасига мустақилликни, ошкораликни, ҳур фикрликни талаб қилиб чиқа бошладилар. Чеченистонда, Қорабоғда, Тбилисида жанжаллар бошланди кетди. Биз маълум тазийк остида ўтказилган Бутуниттифок референдумида, яхшими-ёмонми, узоқ йиллар ўрганиб қолган Иттифок таркибида қолишга, амал-тақал қилиб бўлса ҳам, овоз бердик, лекин баарибир қалбимизда, онгимизда ота-боболаримиз васият қилиб кетган мустақиллик, эркин дунё томон интилиш кучи, шижоати устун эди.

Биз катта ҳудуд, куч ва салоҳиятга эга Россия билан бирга бўлса бирмунча осонроқ бўлишини тушунар эдик, лекин Россия ўзининг ички муаммолари билан банд бўлиб, ҳеч ким билан, ҳатто аҳолиси Марказий Осиё республикалари халқларининг қарийб ярмидан кўпрогини ташкил қиладиган Ўзбекистон билан ҳам ҳисоблашгани келмади. Биқинимизда Афғон уруши, катта экологик талафот — Орол денгизининг қуриши ва айниқса, Ўзбекистон учун ҳаёт-мамوت масаласи бўлган Сибирь дарёлари сувларини Урта Осиёга ташлашдан Россиянинг бош тортиши бизни жуда-жуда ўйлантириб қўйди. Буларнинг натижасида Ўзбекистон ва Урта Осиё давлатлари ўтиш даврида катта бир иқтисодий, ижтимоий ривожланишдан орқада қолди, деса бўлади.

Сув Урта Осиё чўллари учун ҳаёт, кунига истемол қилиб, чанқоқни қондириб ором бағишлайдиган таом, нафас оладиган кислородга бой ҳаводек зарур эди.

Бундан ярим аср муқаддам ёш журналист ва ёзувчи Шароф Рашидов ўзининг публицистик мақолаларида кўтарган — сув муаммоси нафақат Ўзбекистон учун, балки барча Марказий Осиё халқлари учун ҳам ўзининг ақтуаллигига ўта долзарблигини ҳамон йўқотгани йўқ.

Сув муаммоларини, уни ҳал этиш йўллари биз Шароф Рашидовнинг дастлабки ўткир публицистик мақолаларидаги тарихий факт, ҳисоб-китобларга тўла мантиқий таҳлил ва изоҳларда, «Ғолиблар» қиссасию «Бўрондан кучли» романининг бадиий инъикосида кўрамади. Шу пайтда ёш журналист ва ёзувчи Шароф Рашидов томонидан кўтарилган бу муаммо қанчалик муҳим эканлигини мана ярим асрдан кейин ҳам ҳаёт таъдиқлаб турибди.

У кўп ишларни қилди, шахсан ўзи ҳам, республика ҳам катта ютуқларни қўлга киритди. Иккинчи жаҳон урушида бутун совет халқи жон олиб жон бераётган пайтларда: «Агар соғ-омон қолсам...



Шундай қилиб, ўтган асрнинг 50–60-йилларида ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган жиззахлик оддий бир ўзбек журналистининг кўтарган муаммоси бир инсоннинг умри даврида жаҳоннинг энг йирик яратувчилик лойиҳаларидан бирига айланди. Маълум маънода бу ёш, келажаки порлоқ ватанпарвар, миллиятпарвар бир ижодкорнинг катта башорати эди.

Сув масаласи Шароф Рашидовнинг журналист, публицист, ёзувчи сифатида, кейинроқ эса вилоят ва республика газеталарининг бош муҳаррири курсида, сўнгра давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари, КПСС Марказий Қўмитаси Сийёсий Бюроси аъзоллигига номзод лавозимида ҳам унга тинчлик бергани йўқ.

Шароф Рашидовнинг ёзувчи, ижодкорлиги оламшумул режаларни тузишга ёрдам берса, катта раҳбар сифатидаги ваколатлари уларни амалга оширишга, бевосита ҳаётга таътиқ этишга имкон берар эди.

Дам олишга, ҳордиқ чиқаришга бир дақиқа ҳам вақти бўлмаган Шароф Рашидовнинг журналистик фаолияти, ёзувчилик доимо оҳанрабодек ўзинга тортиб турарди. Урушдан кейин у шу соҳага яқин бўлиш мақсадида босмахоҳонада ҳарф терувчи бўлиб меҳнат қилди, сўнгра газетада муҳаррир бўлиб ишлаган пайтларида ҳам у типографияга газет ўқигани, унинг янги сонини чоп этилишига кўл қўйиш учун тез-тез келиб турар эди. Босмахоҳонада ҳарфлар у пайтларда ўзидан заҳарли бу ажратиб чиқарилган эритилган қўроғишдан куйиларди. Ҳарф терувчилар смена билан икки-уч кунда ишга



келса, бош муҳаррир босмахоҳонага ҳар кун келар эди. Эриб турган қўроғишдан чиққан иссиқ заҳарли буғ жигирани заҳарлайди. Кейинроқ, ташкилотчилик қобилияти кўзга кўриниб қолгандан кейин у киши аввал Самарқанд вилоят газетаси, сўнгра Республика газетасининг бош муҳаррири, кейин Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси бўлиб ишлади.

Едимда, ўтган асрнинг 70-, 80-йиллари мен Иттифок Давлат Телерадиокўмитасининг Ўзбекистондаги мухбирлар пункти раҳбари сифатида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси Бюросининг ҳар икки ҳафтада бўлиб турадиган йиғилишига қатнашар эдим. Ана шундай йиғилишларнинг бирида арман миллатига мансуб таниқли бир селекционер олимнинг 70 ё 75 йиллик юбилеи нишонланди. Олим Марказқўмга таклиф этилиб, Бюро йиғилишида унга Фаҳрий ёрлик топширилиб, анча илқ гаплар айтилди. У киши шу пайтдаги одат бўйича, Марказқўм аъзоси ҳам эди, табриклан сўнг минбарга чиқиб миннатдорлик сўзларини билдирди ва залга қараб:

— Мухтарам Шароф Рашидович, ёдингизда бўлса керак, биз бир гурӯҳ Марказқўм аъзолари уйингизга бориб Сиздан Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котибига розилик беришингизни сўраган эдик, сиз:

— Йўқ, — деб жавоб берган эдингиз. Шунда биз сизга:

БИР МАҚЗАЛИК ДИЙДОР ХОТТИРАСИ

фикрга келиб қарор чиқаришимиздан аввал сизларнинг нуқтаи назарингизни ҳам билимдók эдик, нима дейсиз?

Вазиятни тезда англаб олган Микоян:

— Бу масалани мен ҳам ҳал қила олмаيمان, Никита Сергеевич Хрушчёв билан маслаҳатлашим керак, — дейди.

Анастас Иванович Микоян — СССР Олий Совети раиси лавозимида хизмат қиларди.

Микоян шу масала билан Хрушчёвнинг олдида кирганида, у:

— Ўзбекистонда мен фақат Шароф Рашидовни биламан, дейди.

Шундай қилиб, Москва Рашидов номзодини қувватлайди.

Бу ҳақда Нуриддин Акрамович Мухтдинов «Кремлда ўтган йилларим» китобида шундай эслайди:

«1955 йил 17 ноябрь кундуз куну Н.А.Булганин ва Н.С.Хрушчёв Тошкентга келиши. Дала ҳовлига етиб келишга, делегация аъзолари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси Бюро аъзолари айвонда ўтиришганда, Н.С.Хрушчёв менга (Н.А.Мухтдиновга — И.А.) мурожаат қилиб:

— Сиз ҳам делегация таркибига киргансиз. Тайёргарлик кўринг, эрталаб бирга Ҳиндистонга учиб кетамиз», — деди. А.Э.Ниезов (Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг (шу пайтдаги — И.А.) раиси), Ш.Р.Рашидов ва мен ёнма-ён ўтирдик. Мен Амин Эрматовичга (Ниезовга) қаралдим. Беражак саволимни олдидан фахлланган А.Ниезов: «Ахир индинга чорвадорлар кенгаши-ку? Унда маърузачисиз?», — деди.

Шунда мен Никита Сергеевичга миннатдорчилик билдириб:

— Жуда яхши бўлар эди бирга борсам, бунинг устига ҳали у мамлакатларда бўлмаганман. Бироқ индинга чорвачилик бўйича кенгашимиз бор. Вилоят ва районлар, жамоа ва давлат ҳўжалликлари вакиллари Тошкентга етиб кела бошладилар. Маърузачиман. Кенгашни бошқа вақтга қолдириш нокулай бўлса керак, нима дейсиз, — деб жавоб бердим.

— Нима ҳам дердим, бу Сизнинг ишингиз. Чорвачилик билан шуғулланиб тўғри қилибсиз, — деди Никита Сергеевич.

— Балки, — деб сўзидан давом этдим мен, ўрнимга делегация таркибига Рашидовни киритарисиз? У — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси.

— Қаерда у? — деб сўради Н.А.Булганин.

Никита Сергеевич бармоғи билан даврала ўтирган Шароф Рашидовни кўрсатди.

— Энгирозим йўқ, — деди Н.А.Булганин.

Никита Сергеевич Хрушчёв Шароф Рашидов билан КПСС делегациясининг Ҳиндистонга бўлган ана шу сафарига яқиндан танишган эди.

Никита Сергеевич Хрушчёвнинг: «Ўзбекистонда мен фақат Шароф Рашидовни биламан», — деган гапидини остида ана шу воқеалар ётар эди.

Бўлажак йирик партия ва совет раҳбари, истеъдодли публицист ва ёзувчи ишонининг диққат марказида халқ дарди, халқ манфаати ётадиган ижтимоий мавзулар устун турарди. Қақраб ётган чўллалар Фарҳод каби тоғ-тошларни қолип бўлса ҳам ариқ қазиб, сув келтириш ёш ижодкор Шароф Рашидовнинг қалбидеги катта бир орзу эди. Бу мавзуда аввал у «Ғолиблар» романини ёзди.

Бу романининг дунёга келиши тўғрисида Шароф ака шундай деб эслайди: «... 1947 йилда Ўзбекистон КП Самарқанд области секретари бўлиб ишлаб юрган кезларимда, Олий Совет депутатлигига номзод қилиб кўрсатишим муносабати билан сайловчилар билан учрашимда айрим колхозларда бўлоқларнинг кўзини очиб, тоғ этакларидаги қақроқ ерларни шу бўлоқ сувлари билан сўғораётганликлари ҳақида менга сўзлаб беришган эди. Уларнинг бу ҳақдаги ҳикоятлари мени ҳаяжонга солди ва мен ўзининг илк қиссамни шу мавзуда ёзишга аҳд қилдим».

«Сув масаласини умуман ҳал қилиб бўлиш мумкинми?» деб ўйларди Шароф ака, ахир бизда Ганг, Нил, Миссисипи ёки Волга каби йил давомида қарийб бир маромда тўлиб-тошиб оқадиган буюк дарёлар йўқ-ку.

Шароф ака, айниқса, биринчи раҳбар бўлиб тайинлангандан кейин Ўзбекистон учун сув масаласи қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини теранроқ ҳис қилди.

Бир Иттифоқда бўлиб туриб, етиштирган пахтанинг қарийб барчасини Иттифок ҳукумати ихтиёрига топшириб қўйганда ҳам авваламбор, Иттифок манфаатлари учун хизмат қилаётган пахта ҳосилини етиштириш учун шу мамлакат ичкарисидаги дарё сувларини олиш осон эмас эди. Сибирь дарёлари Россиянинг, Москванинг ихтиёрида эди. Москва бўлса, масалани ҳал қилишни пайсалга солар, истаса, бирор нарсага берар, истамаса, йўқ эди.

Шароф Рашидовнинг кисса ва романлари қаҳрамонларининг тили билан айтганда, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун Ўзбекистонда мавжуд бўлган барча сув захиралирдан камидан икки-уч баробар кўпроқ бўлган ҳажмда сув керак. Ҳўш, бу сувларнинг ўзи борми?, деган савол пайдо бўлади. Ҳа бор, унчалик узоқ ҳам эмас, фақат ҳудудимиздан ташқарида. Қозғонистоннинг шимолий чегарасига яқин жойда тўлиб-тошиб оқётган Сибирь дарёларининг қуйи оқимидаги сувлар асрлар мобайнида Шимолий Муз океанига бесама оқиб ётибди. Сув бўлганда ҳам қандай сув денг. Муздек, тиниқ бу сувлар Ўзбекистонда катта ишларни амалга ошириш мумкин бўлган обин-ҳаёт эди. Оддий сув Ўзбекистон бободоҳқонларининг меҳнаткаш ва моҳир кўллари билан зарга, олтинга айланар эди. У нафақат Ўзбекистонни, бутун Марказий Осиё республикалари далаларини обин-ҳаёт билан таъминлашга қодир эди.

Ҳўш, бошқа давлат ҳудудида оқётган сувларга бизнинг қанчалик алоқамиз, даъвоимиз бор? Шароф Рашидовнинг 1980 йил Москвада «Художественная литература» нашриётида чоп этилган Сайланмаси 5-жилди «Сув қўшиғи» («Песня воды») бобида Россиянинг Сибирь дарёлари тўғрисида шундай дейилади: «... Ахир Обь дарёси қадимда мулкбо бонча томонга қараган ўзани бўйича оқар эди. Бу дарё ўз сувларини Орол денгизи бассейнига бориб қуярди».

Биз лойиҳа вариантларида аралашмаган ҳолда, шунинг таъкидламоқчи эдикки, Обь дарёсини тарихий ўзигага қайтариш учун дарёнинг қуйи қисмига битта катта тўғон қуриш лозим ва сув янги қурилган улкан сув омборидан тала канал бўйлаб Урта Осиё томонга қараб оқарверди».

Бу сўзларга эътибор беринг. Гап инъом-эҳсон ҳақида эмас, гап шу пайтдаги Совет Иттифоқи-

нинг йирик партия ва давлат раҳбарларидан, КПСС Марказий Қўмитаси Сийёсий Бюроси аъзоллигига номзод, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби томонидан қадимда Ўзбекистонга, Орол денгизига қараб оққан дарёни ўзининг тарихий ўзигага қайтарилиши ҳақида кетаяпти. Дарёларнинг ўз уанларини ўзгартириб туриш ҳодисаси курраин замин табиати эврилишида камроқ бўлса ҳам, учраб турадиган ҳодисалардан. Урта Осиёнинг энг буюк дарёларидан Амударё ҳам қадимда ўзанини ўзгартирган. Илгари Амударё тоғлардан оқиб келаётган ўзининг муздек мусабфоси сувлари билан бутун Мовароуннахрнинг қуйи қисмидаги ерларни сўғориб, Каспий денгизига бориб қуйилар эди. Обь дарёси сувларининг тўхтаб қолганлиги сабабли табиатнинг ўзи асов Амударёни Каспий денгизидан олиб бориб Орол денгизига қувилган қилган. Мана гап қаерда!

Иттифок, жаҳон миқёсида маълум ва машҳур бўлган йирик адиб, давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов табиатан юмшоқ, камтар одам бўлиши билан бирга, айни бир пайтда у ижодкорларга хос бўлган романтик шахс ҳам эди. Илҳом келганда ижодкор бутун дунё, умумжаҳон, беқиёс коинот қўламини кенг фикрлайди. Шароф Рашидовнинг матбуотда «Аср лойиҳаси» номини олган бу йирик журналистик, публицистик тадқиқоти бунга аққол мисол була олади.

Шароф Рашидовнинг 150 минг нусхала чоп этилган публицистик мақолалар тўпламида 1980 йилда, бундан 37 йил муқаддам чоп этилган гап гаплар тарихий ҳақиқатни тиклашга қаратилган жидий таклиф, керак бўлса, ҳаққини талаб қилиш эди. Ва бу китобни Шуғро даврида Москвада чоп этишининг ўзини катта жасорат деб аташа бўлади.

Урта Осиёга катта сув келтириш масаласида Шароф Рашидов юмшоқ дипломатик, рашидовна доно йул тутди. Бу муаммони у қанчалик оғир, мураккаб бўлмасин, муроса, келишув йули билан ҳал қилимоқчи бўлди. Ва, масаланинг ечимини топиш учун у киши астойдил ҳаракат қилди: Бағри кенгликни қаранг, Шароф ака нафақат ўзбек халқини, балки бутун Совет Иттифоқи аҳолисини пахтадан тайёрланган табиий ип-газлама, табиий ипак толаси, табиий газ билан таъминлаб, мева-чева, полиз, сабзавот маҳсулотларига тўйирмоқчи бўлди. Бу нима, хоҳмаёлими? Йўқ, шундай демаса, у пайтда ўз мақсади — катта сувлар ҳақида гап ҳам очилиши мумкин бўлмас эди.

Ҳаммасига чидади Шароф ака, лекин бир кунги, вилоят раҳбарларидан бири менга, яқинда Шароф Рашидовнинг шу вилоятга келганларини айтиб, у киши билан камдан-кам ҳолларда содир бўладиган ҳолатлардан бирини гапириб берди:

— Шароф ака вилоятимизга бу йил икки бор келдилар, — деди у киши. — Баҳорда сурункали ёмғир ёғаётган, чигит қайта-қайта экилаётган пайтда бўлса, иккинчиси — кеч кўзининг совуқ кунларига ҳўжалигимиз аъзолари билан шаҳардан келган ёрдамчилар, талабалар қор, ёмғирга қарамай пахта тераётган пайтда эди. Шунда Шароф ака тоғ-тоғ уйилган, қор-ёмғирдан брезентлар билан ёпиб қўйилган пахта уммларини кўздан кечириб, теримчилар билан сўрашди-да, бир ҳўрниниб: «Мустақил бўлганимизда, бундай меҳнаткаш халқнинг остонаси тиллодан бўлиб кетар эди», — деб юбордилар, деди.

— Шароф ака, бу юксак лавозимга сиздан бошқа лойиқ одам йўқ, — деган эдик, — деб бироз сукут сақлаган эди, Бюро йиғилишини олиб бораётган Шароф ака ўринларидан орғиниброқ турди-да:

— Зиёда ака, — деб, залга қараб кўзи билан Зиёда Есенбоевни излади-да, у кишини топиб, гапида давом этди, — Ёдингиздами, мен босмахоҳонада ишлаётган пайтимда қўроғиш парларидан жигарим заҳарланиб қолган эди. Соғлигим бўлмади, шунинг учун йўқ деган эдим, — деди.

Уша пайтда Зиёда Есенбоев Ўзбекистон давлат Матбуот қўмитасининг раиси лавозимда ишлар, Марказқўмнинг Бюроси йиғилишида иштирок этаётган эди.

(Шароф ака билан бирга Республика бўйлаб сафарда бўлганимизда, тушлик пайтларида у атайлаб тансоқчиёс Боис Ҳамидовични юбориб, мени топдириб, бирга оқватланишга таклиф этардилар. Дастурҳонда албатта қизил сабзидан тайёрланган шарбат бўларди. Биз ошпаздан бу қандай ичмилдик деб сўраганимизда, «Шароф ака учун тайёрланган» дер эди. Шахсий шифокори у кишининг босмахоҳона лиоти-пиди қуйиляётган қўроғиш бугларидан заҳарланган жигарини ана шу шарбат билан профилактика қилиб турар эди.)

Залда гапа-говур пайдо бўлди. Улар Шароф ака билан шунча йил бирга ишлаб бундан беҳабар эканликларини бир-бирига айтиб ҳайратланишар эди.

— Ҳа, ҳа, ўртоқлар, Шароф Рашидов ана шундай одам, — деб гапнинг давом эттирди академик. — Шунда биз у киши: «Йўқ», десалар ҳам, дардингиз оғир эмас экан, суриштиридик, дўхтирлар ўтиб кетади дейишаёпти, билмагандек бўлиб кетар экансиз, деб розилик беришларини қатъий туриб илтимос қилган эдик. Мана қарийб чорак асрдан бундан ўзи киши бу вазифани ало даражада бажариб келмоқда. Бу лавозимда Иттифоқнинг, ҳатто қатор хорижий давлатларнинг не-не муқофотларига сазовор бўлдилар. Бизга бўлган эътиборингиз учун, Шароф ака, катта раҳмат, бундан бундан ҳам қўлимиздан келганича хизматга тайёримиз, — деб қисқ миннатдорчилигини тутатди академик.

Воқеанинг давомии эса бундай бўлган эди. Республика раҳбарлигига наватбадгаи сайлов пайтида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котибига Марказқўм пленумида икки киши номзоди овозга қўйилди. Биттаси — Ўзбекистон Фаиллар академиясининг академиги, шу пайтда Ўзбекистон Министрлар Совети раисининг ўринбосари лавозимида ишлаётган, қишлоқ ҳўжалик фанлари доктори, профессор Мирзаали Валиевич Муҳаммадзонов билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Шароф Рашидович Рашидов эди. Айтишларича, Пленумда овозлар иккига бўлиниб кетади. Қандай қарор қабул қилишни билмай бир ўйлаб, маслаҳатлашиб олиш учун Пленум танаффус эълон қилади. Танаффус пайтида Москвада СССР Олий Совети Раиси Анастас Иванович Микоян кабинетидега телефон кўнгирағи жириглайди.

— Анастас Иванович, ассалом алайкум, бу Ўзбекистондан, мен фалончиевман. Хабарингиз бор, Республика Компартияси Марказий қўмитасининг пленуми ўтмоқда. Пленумда маслаҳат қиладиган бир вазият пайдо бўлиб қолди. Бу масала бўйича бир

Бу гаплар содир бўлаётган жараёнлардан кўп йиллар мобайнида чуқур ва атрофлича хабардор бўлган ва халқнинг аҳолига ич-ичидан қуйинаятди кишининг шу даврда қалбидан чиққан бир ниёт эди. Бундай гаплари, ҳатто гап эмас, фикр-ўйлари учун ўтган асрнинг 20–30-йилларида не-не ўғлонлар қатган қилинган.

Шароф ака Ўзбекистонга биринчи раҳбар бўлиб тайинланганда ҳам КПСС Марказий Қўмитаси Политбюро аъзоллигига номзод бўлганда ҳам Сибирь дарёларининг қуйи оқавасидаги сувларни Урта Осиёга ташлаш учун Политбюронинг тўлақолини барча аъзоларининг розилигини бир йўла олиш бир кишининг қўлидан келадиган иш эмаслини яхши тушунар эди.

Шу сабабдан бўлса керак, у кишини республика раҳбари, КПСС Марказий Қўмитаси Сийёсий Бюросининг аъзоси, Қозғонистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Динмуҳаммад Ахмедович Қўнаевни бу масалада ҳамкор, ҳамфикр, ҳамроҳ бўлиши таклиф этади. Қозғонистонда ҳам миллион-миллион гектар ҳосилдор ерларда янтоқ ўсиб, сувсиз қақраб ётибди. Асосан чорвачилик билан геология муаммоларини яхши тушунадиган Динмуҳаммад Қўнаев (у киши маълумоти бўйича геолог, йирик олим, академик эди) Қозғонистоннинг шимолий қисмида оқётган Сибирь сувларидан фойдаланиш гоёси Қозғонистон халқи учун ҳам жуда муҳим эканлигини, агар бу масала ижобий ҳал қилинса, сув қозоқ элита, маҳаллий аҳолига ўзи билан тўкин-сочилик, дашту биебондаги овуллариға пиоровард натижада барака, нур, зиё олиб келишини тезда англаб етди. Шундан кейин бутун жаҳон танинмиган ўртаосиёлик бу икки йирик раҳбар қўлни қўлга беришиб ҳамкорликда қаттиқ ишладилар. Собиқ Иттифокнинг барча олий ва қуйи ташкилотларига: Сийёсий Бюро аъзоларига, КПСС Марказий Қўмитасининг қишлоқ ҳўжалик масалалари бўйича котибия котибията, Қишлоқ ва Сув ҳўжалиги, Ирригация ва мелiorация вазирликлари раҳбарларию коллегия аъзоларига, СССР Фаиллар ва Қишлоқ ҳўжалик академияларига, катта маблагларни қўлида жамлаган Совет ҳукумати ва унинг молия органларига, олимун мутахассисларга эринмай атрофича изчил тушунтириш ишларини олиб боришди. Кўпроқ ўз миллий манфаатларини хуш кўрадиган, маълум маънода қаёсар, консерватив рус зиялилари, айниқса ёзувчи, шоир, журналистлари билан бўлган мулоқотларда Шароф Рашидовнинг юқори маданияти, шарқона ахлоқ-одоби, дипломатик қобилияти, юксак маънавияти, журналистлиги, ёзувчилиги жуда кўл келди.

Бир кунги Брежнев Марказқўмнинг қишлоқ ҳўжалик масалалари бўйича котибидан:

— Рашидов қандай сувлар ҳақида гапираёпти? — деб сўраб қолди.


— Сибирдаги Обь, Иртиш дарёларининг қуйи оқимидаги сувларни сўраёпти, — деб жавоб берди котиби.

(Давоми бор.)

Ирсимат АБДУХОЛИҚОВ,
СССР Давлат Телерадиокўмитаси
«Время» ахборот дастурининг Ўзбекистондаги (1978–1989 йиллар) махсус мухбири

▶ АЖДОДЛАР ҲАЁТИ —
УЛУҒ МАКТАБИМОМ
БУХОРИЙ
ҲАЁТЛАРИ ВА
ФАОЛИЯТЛАРИ
Устозлари ва шогирдлари

“Саҳиҳул Бухорий”да ёзилишича, “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар: “Аллоҳ кимга яхшилиқни ирода қилса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди. Албатта, илм таълим олиш билангинадир”.
Мазкур ҳадисни ривоят қилган Имом Бухорий ҳазратлари, авваломбор, бунга ўзлари қаттиқ амал қилганлар. Газетамизнинг аввалги сонида буюк муҳаддиснинг ҳадис илмига қачон меҳр қўйганлари, илм талабидан хорижга кетиб, мусофирчиликда яшаганлари ҳақида озгина маълумот бериб ўтилган эди. Бунинг аллоҳнинг устозлари ва шогирдлари ҳақида қисқача маълумотни эътиборингизга тақдим этаёلمиз.



Узот болалик чоғларидан илмига қаттиқ меҳр қўйиб, бошланғич таълимни она шаҳарлари Бухорода олади. Кейинчалик бошқа шаҳарларда ҳам бўлиб, илмини бойитган олимнинг устоз ва шогирдлари тўғрисида тарихий манбаларда анчагина маълумотлар сақланиб қолган.

Ҳадис илмида шундай таомил бор: муҳаддис бир кишидан ҳадис ривоят қилса, ўша шахс унга устоз ҳисобланар экан.

“Тарихи Бағдод” китобида айтилишича, Имом Бухорийнинг ўзлари: “Мен мингдан ортиқ шайхдан ҳадис ёзиб олганман”, деганлар. Аслида у зотга бевосита таълим берган устозлари сони, нишопурлик ал-Ҳаким исми олимнинг (у 1015 йилда вафот этган) ёзишига кўра, тўқсон нафарлар атрофида бўлган.

Устозларини эхтиром қилиш буйича Имом Бухорийга тенг келадиган инсонлар кам бўлса керак. У кишининг муаллимлари орасида ёш жиҳатидан катталари ҳам, тенгдошлари ҳам, кичиклари ҳам бўлган. Мақдсийнинг айтишича, ҳазрат Бухорийнинг ўзлари: “Муҳаддис токи ўзидан юқори, ўзи тенги ва ўзидан кичиклардан ривоят қилмагунча, қомил бўла олмайсиз” деганлар.

Имом Бухорийдан бевосита сабоқ олган ва у зотнинг асарларини ўқиб, таълим олган кишилар ҳам ниҳоятда кўп. Шогирдлари ҳақида манбаларда кўплаб қизиқарли маълумотлар учрайди.

“Олтин силсила” ҳадис китоблари мажмуасининг биринчи жилдида (“Саҳиҳул Бухорий, 1 жилд”, Тошкент, “Ҳилол-нашр” нашриёти, 2012 йил) шундай дейилади: “Муътабар манбаларнинг гувоҳлик беришича, улў олим ҳаётининг бош китоби бўлмиш “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”дан у кишининг бевосита раҳбарликларида тўқсон минг киши таълим олган. Уларнинг сафида машҳур муҳаддислар Муслим ибн Ҳажжож, Имом Термизий, Имом Насайй, Ибн Хузайма, Ибн Абу Довуд, Муҳаммад ибн Юсуф Фирабрий, Иброҳим ибн Маъқил Насафий, Ҳаммод ибн Шокир Насафий, Мансур ибн Муҳаммад Базданий ва яна кўплаб улў олимлар бор.

Ҳали болалик чоғларидек Имом Бухорийнинг шогирдлари сон-саноксиз бўлиб кетган эди. Ёшлик пайтларида Басра аҳлининг маърифат тоғлиблари у кишининг ортларидан югуришар эди. Ҳаттоки йўл устига ўтиригизиб олиб, мажбур қилиб ҳадис сўрашарди”.

Имом Бухорий қатнашган илм мажлисларида минглаб одамлар жамланар экан.
Яна бир улў ватандошимиз, машҳур муҳаддис Абу Исо Термизий ҳам Имом Бухорийнинг шогирдларидан ва сафдошларидан ҳисобланади. Бу икки аллома ўша пайтларда мусулмон оламининг илм марказларидан саналган Нишопурда учрашишди. Тарихий манбалар улар ўртасида дўстона муносабатлар бўлганидан гувоҳлик беради.

Термизийнинг ёзишича, у ўз асарлари учун кўп маълумотларни Бухорий билан учрашувларидан олган. Ўз навбатида Бухорий ҳам Термизийга юксак эҳтиром қилган. Буни у зотнинг Термизийга қарата: “Мен сендан кўрган фойда сен мендан кўрган фойдалан ортиқроқ” деган лутфидан ҳам англаш мумкин.

Элмурод МАҲМАРАЙИМОВ тайёрлади.

Ўзбек маданий мероси — жаҳон нигоҳида

▶ ФЕСТИВАЛЬ

Яқинда Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида “Ўзбек маданий мероси — жаҳон нигоҳида” мавзусида Республика фестивали ҳамда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда асрлардан-асрларга ўтиб, сайқал топиб келаётган номоддий маданий меросимизнинг Ватанимиз тараққиётидаги аҳамияти, бугунги кунда янада оммалашиб, жаҳонга бўйлаётгани хусусида илқ фикрлар айtilди.

3-ро, Президентимиз ҳам Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасида миллий маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар, уларни ҳал этиш йўллари, бу борада ижодий уюшмалар ва давлат ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида атрофлича фикрлар билдирган эдилар.

Мазкур фестиваль ҳам авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадриятларни авайлаб-асраш, уларга янгича руҳ, янгича шакл ва жозоба бахш этиш, халқимизнинг номоддий маданий мероси намуналарини сақлаш, тарғиб қилиш, ёшларни миллий-маънавий анъаналаримизга юксак ҳурмат руҳида тарбиялашга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этади. Биргина “Шашмақом”нинг инсон руҳий камолотига таъсир бағоят юксак. Бу борада

ўша ижодкорлар билан бўлган учрашувда Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев алоҳида таъкидлаб:

— Биз халқимизнинг ноёб мероси бўлган мақом санъатини нафақат юртимизда, балки бутун дунё бўйлаб кенг тарғиб қилиш, керак бўлса, халқаро миқёсда мақом танловларини ташкил этиш устида ишлашимиз керак, — дея, таъкидлаган эдилар. Ушбу фестиваль ҳам айнан ЮНЕСКО репрезентив рўйхати киритилган “Шашмақом”, “Аския”, “Палов” ва бошқа номоддий мерослар буйича “Ўзбек маданий мероси — жаҳон нигоҳида” шiori асосида юксак савийда ўтказилди.

Фестиваль доирасида ўтган тадбирда Республикамизнинг барча вилоятлари-



муҳити”дан “Бойсун”, Тошкент шаҳридаги Фафур Фулом номидаги Маданият ва истироҳат боғининг “Дурдона” ва “Заррин япроқлари”, Тошкент вилоятининг “Тўғрай”, “Ўзбебойим” халқ фольклор-этнографик ансамбллари фаол иштирок этди.

Фестиваль анъанавий иштирокчилик, катта ашула ва аскиячиларнинг чиқишлари билан янада кўр олди. Сурхондарёлик бахшилар Шоберди Болтаев, Сафар Шойдинов, хоразмлик бахши Расул Абдураҳмонов, қашқадарёлик бахши Аҳрор Хушвақтов, Қорақалпоғистон Республикасидан Сарвиноз Санжоноваларнинг чиқишлари йиғилганларни сел қилди. Думбири ва бахши зўрлиги узоқ узоқларга таралди.

Айниқса, дорбозларнинг чиқишлари, кўғирчоқбозлар сахнаси барча барчани ўзига қорлади. Институт ҳовлисида ташкил этилган ҳунармандчилик маҳсулотлари кўрғазмаси йиғилганлар-

дан катта қизиқиш уйғотди.
— Аждодларимиз беш асрдан буён гиламчилик, каштачилик билан шуғулланиб келди, — дейди Бойсун туманидан келган, ота-боболарининг ҳунармандчилигини давом эттираётган тадбиркор Халича Раҳимбердиева. — Биз тўқи-

ётган “Оқейин”, “Қукейин”, “Ғажара” сингари гиламлар, терма олачалар, палак ва сўзаналар чет эллик сайёҳларга ҳам манзур бўлмоқда. Германиядан келган ишбилармонлар яқинда маҳсулот етказиб бериш юзасида катта миқдорда шартнома имзолашди. Чунки биз тоза жундан, табиий бўёқлар билан буюб, маҳсулотларимизни сифатли ишлаб чиқарамиз. Чет эллик ҳамкорлар бунинг моҳиятини тушуниб, маҳсулотимизга харидор бўлишди. Излаган имкон топар деганларидек, ҳунармандларнинг кўпчилиги республикамиздаги номоддий маданий мерос намуналарига янгича жилво, ҳаёт бағишлаб жаҳон бозорига чиқишга ҳаракат қилмоқдалар.

Фестиваль ҳақиқий байрам тусини олди. Тошкент меҳмонхона ҳўжалиги ва сервис касб-ҳунар коллежида шу коллежнинг битирувчи ўқувчилари ўртасида касб маҳорати буйича ошпазлик танлови ташкил қилинди. Танловда бўлажак ошпазлар ўзларининг билим ва кўникмаларини синовдан ўтказишди. Ош тайёрлаш эрталабдан бошланди. 16 та жамоа чойхона палов, тўй палов, турк оши каби таомларни тайёрлади. Паловлар тайёр бўлгач, ҳакамлар ҳайъатида тақдим этилди. 18-гурӯх тайёрлаган чойхона палови биринчи ўринга лойиқ деб топилди, 28-гурӯх талабалари тайёрлаган тўй оши иккинчи ва 25-гурӯх талабалари тайёрлаган чойхона палови учинчи ўринга лойиқ деб топилди. Маданият вазирлиги томонидан ғолиблар ва танлов иштирокчилари дипломлар билан тақдирланди.

Абдусайд НУРБОВЕВ,
Нилуфар КАРИМОВА,
Республика маданий муассасалари
фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази
Адабиётлар, илмий-методик ўқув қўлланмалар
нашр этиш бўлими ходимлари

СОЯБОН
ҲАҚИДА НИМАЛАР БИЛАСИЗ?

▶ БУ ҚИЗИҚ!

Шоир “Кумуш қишдан, зумрад баҳордан қолишмайди кузнинг зийнати”, деб ёзганда, тирамоҳнинг нафақат неъматларга бойлиги, ташқи гўзаллиги, балки ўзига хос руҳи борлигини ҳам назарда тутгандек. Чунки унинг гоҳ илқ, гоҳ салқин об-ҳавосию, серёмғир кунларининг таровати ўзгача.

Қалбга соладиган ажиб туйғулари билан у кўклардан асло қолишмайди. Ширин, оромбахш туйғуни ҳис қилишни истаганлар эса сокин куз боғларида соябонда сайр этишни хуш қўришади. Олтин туста кирган дарахтзор узра кезар эканмиз, худди соябонлар дил дафтаримизнинг гувоҳига айланаётгандек туюлади. Хўш, соябонлар қачон ва ким томонидан ихтиро қилинган? Бу ҳақда ўйлаб кўрганмисиз?

Маълумотларга кўра, бизгача етиб келган соябонларнинг энг қадимийлари уч минг ёшда. Дарвоқе, илқ соябон қизиқ тасолиф турфайли яратилган. Эрамининг аввали Х асрда ҳитойлик олий дурагор рафикаси учун доимо ёнида олиб юрадиган матоли том ясаб берди. Кейинчалик соябонлар бой-зоғдонларнинг зеб-зийнат буюми сифатида тан олинган.

Соябон инсонга бир вақтнинг ўзида кўёш ва ёмғирдан ҳимоялаш вазифасини ўтаб, ўш билан бирга этасининг бойлигини кўрсатиб турувчи ўзига хос белги сифатида ҳам хизмат қилган.

Қадимий манбаларга қараганда, Сям қиролни олтин ва олмос билан безатилган етти қуббали соябон остида айлангани ёқтирган. Бирма қиролнинг эса 24 қуббали соябони бўлган. Соябонни Африкада фақат олий насабли кишилар ишлашган. Кейинчалик соябонлар Юнонистон ва Римга ҳам тарқалган. XVIII асрларга келиб Европалыклар анча мукамал соябонларни ишлаб чиқара бошлашди. Бу гоё кишиларга шунчалик хуш ёққанки, энди соябонларни нафақат зоғадонлар, балки олий халқ ҳам ишлаша оларди.

Техника тараққиёти натижасида соябонларни юқори технология буюмига киритмас бўлади. Сабоби уларни тайёрлашда энг замонавий материаллардан фойдаланилмоқда. Соябонлар тайёрлаш устида нафақат дизайнерлар, балки муҳаддислар ҳам ишлашмоқда.

Айни пайтда ихтирочилар томонидан ўш автомат тарзда турли шаклга кира оладиган ва шомол пайтида ҳам ўз шаклини ўзгартирмайдиган соябонлар кашф қилинди. Шунга қарамай, классик услубдаги хос соябонлар ҳануз ўз қадимиятини йўқотгани йўқ. Ҳасса соябоннинг олдий ва бежирим тусидаги юз йиллардан бери мода оламидан ўз ўрнини сақлаб келаётган. Эътиборлиси, соябон инсон феъли-атвори ва дилини ҳам билдириб туради. Айнан Ҳасса соябон тутадиганлар нозик дили ва беғубор кайфияти бўлишади.

Шабнам АЗИМОВА тайёрлади.

Хурматли юртдошлар!

«Асака» банк
қуйидаги мудиатли омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада:	Хорижий валютада:
«ҚАДРИЯТ» Омонатнинг сақланиш муддати 2 ой. Ҳисобланган фойзалар ҳар ойда эки омонат муддати тугагандан сўнг берилади	«МАДАД» (АҚШ долларида) Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой. Ҳисобланган фойзалар омонат муддати тугагандан сўнг берилади
«БАРАКАЛИ» Омонатнинг сақланиш муддати 6 ой. Ҳисобланган фойзалар ҳар ойда эки омонат муддати тугагандан сўнг берилади	«ШОДИЁНА» (АҚШ долларида) Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой. Ҳисобланган фойзалар 12 ой ўтгандан сўнг эки омонат муддати тугагандан сўнг берилади
«ФАРОВОН ТУРМУШ» Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фойзалар омонат расмийлаштирилганда эки омонат муддати тугагандан сўнг берилади	«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОДА) Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фойзалар омонат муддати тугагандан сўнг берилади

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 17 турдаги ва хорижий валютада 10 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	(371) 20-83-13	
Автотранспорт филиали	(371) 120-39-95	
Шайхонтоҳур филиали	(371) 140-39-36	
Юнусобод филиали	(371) 221-80-67	
Сирғали филиали	(371) 257-44-10	
Тошкент вилоят филиали	(371) 120-84-13	
Анджон вилоят филиали	(374) 223-60-74	
Асака филиали	(374) 542-61-99	
Фарход филиали	(374) 226-96-63	
Фаргона вилоят филиали	(373) 244-39-14	
Марғилон филиали	(373) 237-62-23	
Олтириқ филиали	(373) 432-19-80	
Кўкюн филиали	(373) 542-61-01	
Наманган вилоят филиали	(369) 227-15-68	
Навоий вилоят филиали	(436) 770-21-29	
Зарафшон филиали	(436) 572-40-14	
Бухоро вилоят филиали	(365) 770-05-19	
Бухоро шаҳар филиали	(365) 770-11-27	
Самарқанд вилоят филиали	(366) 233-65-47	
Афросиёб филиали	(366) 221-71-76	
Қашқадарё вилоят филиали	(375) 221-07-41	
Сурхондарё вилоят филиали	(376) 770-82-12	
Қорақалпоғистон филиали	(361) 770-60-59	
Хоразм вилоят филиали	(362) 228-14-81	
Сирдарё вилоят филиали	(367) 225-44-03	
Жиззах вилоят филиали	(372) 226-43-11	

«Асака» банк сармоянгишни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

www.asakabank.uz Хизматлар лицензияланган Reklama



Mustaqil Gazeta
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Ўқтам МИРЗАЁРОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080—рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табақ. Бичими — А-2. Баҳоси келишилган нархда
Адади: 2620 Буюртма — V-369 1 2 3 4 5

Тахриратта калган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-88
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-91
Топшириш вақти — 20^о Топширилди — 18^о



Мавзилимиз: 100129,
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Газета тахриратта компьютер марказида териштирилади ва дизайн Нигора Ташева томонидан саҳифаланди.
Навбатчи: Бобур Муҳаммадиев
“O‘zbekiston” НМИУ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.